

№1 (25)
Yanvar-mart
**20
24**



ISSN 2181-0567
ISSN 2181-1830

IQTISODIYOT: **TAHLILLAR VA PROGNOZLAR**

ЭКОНОМИКА:
АНАЛИЗЫ И ПРОГНОЗЫ

ECONOMY:
ANALYSIS AND FORECASTS

«YASHIL» IQTISODIYOTGA O'TISH VA UGLEROD NEYTRALLIGIGA ERISHISH YANGI
O'ZBEKISTONNING USTUVOR STRATEGIK VAZIFASIDIR.

SHAVKAT MIRZIYOYEV



ISSN 2181-0567



9 772181 056008



IQTISODIYOT: TAHLILLAR VA PROGNOZLAR

ЭКОНОМИКА:
АНАЛИЗЫ И ПРОГНОЗЫ

ECONOMY:
ANALYSIS AND FORECASTS

№ 1 (25)
Yanvar-Mart, 2024-yil

TAHRIR HAY'ATI:

- J.Qo'chqorov** – O'zbekiston Respublikasi Bosh vazirining o'rinosi – O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vaziri, tahrir hay'ati raisi
U.Obidxo'jayev, DSc – Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti direktori
Z.Xaldarov, PhD – Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti direktorining birinchi o'rinosi
T.Axmedov, i.f.d., prof. – Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti direktorining o'rinosi
X.Xamidov – Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti direktorining o'rinosi
D.Kurbanova, i.f.n., k.i.x. – Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti ilmiy kotibi
S.Chepel, i.f.d., k.i.x. – Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti bosh ilmiy xodimi
N.Rasulov, DSc, dots. – Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti loyiha rahbari
D.Karimova, i.f.d., k.i.x. – Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti loyiha rahbari
R.Xasanov, i.f.d., prof. – Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti bo'lim boshlig'i
E.Yakubova, PhD – Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti loyiha rahbari
M.Axmedova, PhD – Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti loyiha rahbari
M.Karimov, PhD – Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti loyiha rahbari
S.Maxmudov, PhD – Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti loyiha rahbari

TAHRIRIYAT:

- Bosh muharrir – **R. Xasanov**
Mas'ul muharrir – **A. Yuldashev**
Texnik muharrir – **I. Odashev**
Kompyuter grafikasi dizayneri – **R. Odilov**
Nashr uchun mas'ul – **N. Primov**

Jurnal Oliy attestatsiya komissiyasi Rayosatining 2019-yil 29-iyundagi 266/8-sonli qaroriga asosan OAK dissertatsiyalar asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsya etilgan ilmiy nashrlar ro'yxatiga va Rossiya Federatsiyasining Ilmiy iqtibos indeksi (RINS) ro'yxatiga kiritilgan.

Jurnal O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligida 2021-yil 22-aprelda 1043-sonli guvohnoma bo'yicha qayta ro'yxatga olingan.

Bosma ISSN 2181-0567; Elektron ISSN 2181-1830.

Format 84/60, 1/8, 4,3 b.t. Chop etishga 05.04.2024-yilda ruxsat etildi.
Jurnalning «Matbuot tarqatuvchi» AK obuna katalogidagi indeksi – 1360.
Jurnal uch oyda bir marta chop etiladi. Bahosi kelishilgan narxda.

«Iqtisodiyot: tahlillar va proqnozlar» jurnalidan ko'chirib bosish faqat tahririyatning yozma roziligi bilan amalga oshiriladi.

Tahririyat fikri mualliflar fikriga mos kelmasligi mumkin. Maqoladagi ma'lumotlar haqqoniyligiga mualliflar shaxsan mas'ul hisoblanadi.

Tahririyat manzili:

100011, Toshkent sh., Xadra massivi, 33A. Tel.: (+998 71) 244-05-41. E-mail: jurnal@imrs.uz

Tarqatish bo'limi telefon: (+998 71) 244-05-41

Jurnal 2019-yildan nashr etiladi

Toshkent – 2024

Mundarija / Содержание / Contents

Makroiqtisodiyot, prognozlashtirish va tahlil / Макроэкономика, прогнозирование и анализ / Macroeconomics, forecasting and analysis

3 Ashrafjon ELOV. *Global iqlim o'zgarishining makroiqtisodiy ta'sirini baholashga oid qarashlar*

Investitsiya, raqamli va innovatsion texnologiyalar /
Инвестиции, цифровые и инновационные технологии /
Investment, digital and innovative technologies

9 Даниэль АРТИЩЕВ, Милена ЗАГРЕБЕЛЬСКАЯ. *Тенденции развития цифрового банкинга в Узбекистане*

Sanoat, agrar va hududiy iqtisodiyot /
Промышленность, сельское хозяйство и региональная экономика /
Industry, agriculture, and regional economy

18 Азимжон ХОЛОВ. *Сирдарё вилояти иқтисодий салоҳиятининг таҳлили*

Ijtimoiy masalalar, fan, ta'lim va kambag'allikni qisqartirish /
Социальные вопросы, наука образование и сокращение бедности /
Social issues, science, education and poverty reduction

27 Музаффар АБДУРАХИМОВ. *Камбагалликни қисқартириши ва бандликни разбатлантирувчи молиявий инструмент ва механизмларни тақомиллаштириши*

35 Shirin DUSHAMOVA, Shakhlo RASULKHUAJAEVA. *Effect of Urbanization on Social Welfare*

43 Сабина ХОЛБАЕВА. *Роль и значение гендерного равенства в развитии человеческого капитала и достижение устойчивого развития*

Xizmat ko'rsatish, logistika va infratuzilma /
Сервис, логистика и инфраструктура /
Service, logistics and infrastructure

51 Дилором ТАДЖИБАЕВА. *Миллий иқтисодиёт тараққиёти ва истикболида экспорт*

64 Shakhnoza ALIMOVA. *O'zbekistonda wellness turizmini rivojlantirish istiqbollari (Sitorai Mohi Xossa misolida)*

**Makroiqtisodiyot, prognozlashtirish va tahlil / Макроэкономика, прогнозирование и анализ /
Macroeconomics, forecasting and analysis**

УЎК: 502.333.(575.1)

Ashrafjon ELOV,
*PhD, O'zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi
universiteti bosh ilmiy xodimi,
E-mail: ashrafelov@mail.ru*

**GLOBAL IQLIM O'ZGARISHINING MAKROIQTISODIY
TA'SIRINI BAHOLASHGA OID QARASHLAR**

Annotatsiya: maqolada iqlim o'zgarishlarini iqtisodiyotga salbiy ta'sirini baholash, guruhlash va tavsiflash, mazkur sohada amalga oshirilgan ilmiy tadqiqotlar tahlili, xususan iqlim o'zgarishlarining iqtisodiyotga ta'sirlarini baholash natijalari hamda muallifning qarashlari bayon etilgan.

Kalit so'zlar: iqlim o'zgarishi, havo haroratining isishi, iqtisodiyotga ta'sirlar, kam uglerodli iqtisodiyotga o'tish, yalpi ichki mahsulot, farovonlik, integratsiyalashgan baholash modeli, Markaziy Osiyo, davlatlar.

**ВЗГЛЯДЫ НА ОЦЕНКУ
МАКРОЭКОНОМИЧЕСКИХ ПОСЛЕДСТВИЙ
ГЛОБАЛЬНОГО ИЗМЕНЕНИЯ
КЛИМАТА**

Ашрафжон ЭЛОВ,
*PhD, главный научный сотрудник
Университета общественной безопасности
Республики Узбекистан*

Аннотация: в статье приведены оценка, группировка и описание негативного влияния изменения климата на экономику, анализ научных исследований, проводимых в этой области, в частности результаты оценки влияния изменения климата на экономику, а также взгляды автора.

Ключевые слова: изменение климата, потепление температуры воздуха, влияние на экономику, переход к низкоуглеродной экономике, валовой внутренний продукт, благосостояние, модель комплексной оценки, Центральная Азия, страны.

**PERSPECTIVES ON THE
ASSESSMENT OF MACROECONOMIC
CONSEQUENCES OF GLOBAL CLIMATE
CHANGE**

Ashrafjon ELOV,
*PhD, Chief Researcher of the University of Public
Safety of the Republic of Uzbekistan*

Abstract: the article provides an assessment, grouping, and description of the negative impact of climate change on the economy, an analysis of scientific research conducted in this area, including the results of assessing the impact of climate change on the economy, as well as the author's viewpoints.

Keywords: climate change, warming air temperature, impact on the economy, transition to a low-carbon economy, gross domestic product, welfare, integrated assessment model, Central Asia, countries.

Kirish. Bugungi kunda global iqlim o'zgarishlari, xususan havo haroratining keskin isishi oqibatlarini yumshatish va unga qarshi kurashish choralar davlatlar iqtisodiyotiga sezilarli ta'sir qilmoqda. Iqtisodiyotning barqaror o'sishini ta'minlashda ushbu ta'sirlar ko'lami va miqdorini aniqlashga zaruriyat mavjud.

Iqlim o'zgarishining iqtisodiyotga ta'sirini baholashdan ko'zlangan asosiy maqsad – iqlim o'zgarishining salbiy oqibatlariga hissa qo'shadigan harakatlarni cheklashdan kelib chiqadigan zararlarni va iqlim o'zgarishiga moslashishga qaratilgan xarajatlarni baholash hamda kelgusidagi iqtisodiy o'sishga ta'sirlarni prognozlashdir.

Biroq, iqlim o‘zgarishiga olib keluvchi fanga noma’lum bo‘lgan jihatlarning ko‘pligi, iqlim o‘zgarishining iqtisodiyotga ta’siri keng qamrovli ekanligi, iqlim o‘zgarishi natijasida kelib chiqqan iqtisodiy zararlarni o‘lchash tizimli amalgalashishi, ko‘rilayotgan choralarining miqdori va intensivligi to‘g‘risida ma’lumotlarning yetarli emasligi, o‘z navbatida iqlim o‘zgarishlarining iqtisodiyotga ta’sirini aniqlashda murakkabliklarni keltirib chiqaradi.

Adabiyyotlar sharhi. Iqlim o‘zgarishining iqtisodiyotga ta’sirini empirik baholash bo‘yicha birinchi tadqiqotlar 1990 yillarda boshlanib, bir qator o‘rganishlar amalgalashirilgan va iqlim o‘zgarishi ta’sirlarini baholash uchun metodologiyalar ishlab chiqilgan.

Dastlabki empirik baholashlarda olimlar miqdoriy baholash hamda keyinchalik ekspertlar baholarini umumlashtirish usulidan foydalanganlar. O‘tkazilgan

ko‘plab tadqiqotlarda iqlim o‘zgarishining iqtisodiy zararining miqdoriy baholari odatda o‘rtacha harorat o‘zgarishini YaIM yo‘qotishlari bilan bog‘laydigan umumiylar munosabatlarga asoslangan hamda iqlim o‘zgarishining aholi farovonligiga ta’sirini aniqlash uchun turli ko‘rsatkichlarga asoslangan ekonometrik modellar yaratilgan.

Amsterdam universitetining iqlim o‘zgarishi iqtisodiyoti professori R.Tol iqlim o‘zgarishining farovonlikka ta’sirini baholash bo‘yicha 1991-2006 yillarda o‘tkazilgan tadqiqot natijalarini jamlagan (1-jadval) [1]. Mazkur tadqiqotlarda yer sharining shimolida joylashgan davlatlar iqlim o‘zgarishlaridan kamroq va janubda joylashgan davlatlar esa eng ko‘p zarar ko‘rishi qayd etilgan. Shuningdek, iqlim o‘zgarishlarini iqtisodiyotga ta’sirini aniqlash murakkab bo‘lganligi sababli, olimlar o‘z ishlarini qayta-qayta ko‘rib chiqib, natijalarga o‘zgartirishlar kiritganligini ko‘rish mumkin.

1-jadval

Iqlim o‘zgarishining farovonlikka ta’sirini baholash (YaIMga nisbatan foizda daromad yoki zarar sifatida ifodalanadi)

№	Tadqiqotlar	Isish (°C)	Ta’sir (YaIMga nisbatan %)	Eng yomon ahvoldagi davlat		Eng yaxshi ahvoldagi davlat	
				YaIM %	Nomi	YaIM %	Nomi
1	Nordhaus (1994a)	3	-1.3				
2	Nordhaus (1994b)	3	-4.8				
3	Fankhauser (1995)	2.5	-1.4	-4.7	Xitoy	-0.7	Sharqiy Yevropa va sobiq Sovet ittifoqi
4	Tol (1995)	2.5	-1.9	-8.7	Afrika	-0.3	Sharqiy Yevropa va sobiq Sovet ittifoqi
5	Nordhaus va Yang (1996)	2.5	-1.7	-2.1	Rivojlangan davlatlar	0.9	Sobiq sovet davlatlari
6	Plambeck va Hope (1996)	2.5	2.5	-8.6	Osiyo (Xitoy)	0.0	Sharqiy Yevropa va sobiq Sovet ittifoqi
7	Mendelsohn, Schlesinger va Williams (2000)	2.5	0.0	-3.6	Afrika	4.0	Sharqiy Yevropa va sobiq Sovet ittifoqi
8	Nordhaus va Boyer (2000)	2.5	-1.5	-3.9	Afrika	0.7	Rossiya
9	Tol (2002)	1.0	2.3	-4.1	Afrika	3.7	G‘arbiy Yevropa
10	Maddison (2003)	2.5	-0.1	-14.6	Janubiy Amerika	2.5	G‘arbiy Yevropa
11	Rehdanz and Maddison (2005)	1.0	-0.4	-23.5	Sahroi Kabir Afrika	12.9	Janubiy Osiyo
12	Hope (2006)	2.5	0.9	-2.6	Osiyo (Xitoy)	0.3	Sharqiy Yevropa va sobiq Sovet ittifoqi
13	Nordhaus (2006)	2.5	-0.9				

Manba: Richard S. J. Tol. *The economic effects of climate change // Journal of Economic Perspectives. 2009. Vol. 23. N 2. – P. 29. // https://www.aeaweb.org/*

Bundan tashqari, iqlim o‘zgarishiga eng kam hissa qo‘shadigan kam daromadli mamlakatlar uning ta’siriga eng zaif hisoblanadi.

2006-yildan keyin global iqlim o‘zgarishining

mumkin bo‘lgan makroiqtisodiy ta’sirini miqdoriy baholash borasida amalgalashirilayotgan tadqiqotlar keskin oshdi. Ushbu tadqiqotlarda iqlim o‘zgarishining iqtisodiyotga ta’sirini baholashga qaratilgan yangi

ko‘rsatkichlar tizimi hamda iqtisodiy modellar ishlab chiqildi. Ushbu hisob-kitoblar va asoslantirishlarda qo‘llanilayotgan metodlar bir-biridan muayyan darajada farq qiladi.

Jumladan, Oslo universitetining iqtisod bo‘yicha faxriy professori M. Hoel va Gothenburg universitetining atrof-muhit iqtisodiyoti professori T. Sterner 2007-yilda texnologiya, ijtimoiy imtiyozlar va ekologik tovarlar narxining o‘zgarishdagi ta’sirlar asosida hisoblanadigan iqtisodiy model ishlab chiqib, iqlim o‘zgarishining farovonlikka ta’sirini baholash oralig‘i haroratning 1-3°C gacha ko‘tarilishi sharoitida YaIMning 2,3% dan 11,5% gacha yo‘qotilishini aniqladi [2].

Yevropa Komissiyasi Qo‘shma tadqiqot markazi ilmiy xodimi Juan-Carlos Ciscar va uning jamoasi 2011-yilda iqlim o‘zgarishining Yevropa ittifoqida 4 ta soha (qishloq xo‘jaligi, daryo toshqini, qirg‘oq tizimlari va turizm)dagi iqtisodiy zararlarni baholab, havo harorati 2,5°C oshganda YaIM 0,2%ga va 5,4°Cda 1% gacha yillik kamayishga olib kelishini qayd etgan. Ushbu olimlarning fikriga ko‘ra, daryo toshqinlari natijasida binolarga etkazilgan zararni ta’mirlash bilan bog‘liq ishlab chiqarish hajmining oshishiga, Shimoliy Yevropa davlatlarida havo haroratining isishi bilan qishloq xo‘jaligi hosildorligining yaxshilanishi YaIM qiymatining oshishiga olib keladi. Shu sababli, YaIMga zarar kam bo‘ladi, biroq iste’molchilarning farovonligi yaxshilanmaydi [3]. Ushbu tadqiqot natijalari tahlili shuni ko‘rsatadiki, farovonlik o‘zgarishlarining soha va geografik joylashuv kesimida iqlim o‘zgarishining zararlari turizm sohasiga nisbatan qishloq xo‘jaligi sohasi va qirg‘oq hududlarida ko‘proq bo‘ladi.

Taniqli olim W.Nordhaus 2016-yilda o‘zining oldingi tadqiqotlarini DICE modeli (Iqlim va iqtisodiyotning dinamik integratsiyalashgan modeli) asosida qayta ko‘rib chiqib, iqlim o‘zgarishining iqtisodiyotdagi ta’sirini tushuntirishda “uglerodning ijtimoiy qiymati” tushunchasini kiritdi. Uning fikriga ko‘ra, bu atama qo‘shimcha karbonat angidrid emissiyasi yoki uning ekvivalenti natijasida yuzaga keladigan iqtisodiy xarajatlarni ifodalaydi. Shuningdek, 2010-yilda uglerodning ijtimoiy qiymati – bir tonna CO₂ uchun 31 AQSh dollarni tashkil qilishi, 2050 yilgacha ushbu ko‘rsatkich yiliga 3%ga o‘sib borishini qayd etgan. Uning tadqiqot natijalariga ko‘ra, global isishning 3°C ga ko‘tarilishi global daromadning 2,1% ga va 6°C ga isish global daromadning 8,5% yo‘qotilishiga olib keladi [5]. Fikrimizcha, ushbu tadqiqotda iqlim o‘zgarishlaridan zararlar global daromadga nisbatan

hisoblanganligi sababli, ushbu ko‘rsatkichlarni davlatlarning geografik joylashuvi va zararlari turlicha bo‘lishini hisobga olinsa, zarar koeffitsientlarini barcha davlatlarga bir xilda qo‘llab bo‘lmaydi. Shu sababli, bugungi kunda iqtisodchilar oldidagi eng katta vazifalardan biri – iqlim o‘zgarishlarining iqtisodiyotdagi ta’sirini aniq ko‘rsatkichlarda o‘lchash modellarini yaratish va ta’sirlarni baholashdan iborat hisoblanadi.

Stanford Universiteti dotsenti M.Burke va uning jamoasi 2018-yilda global isish 2,5-3°C ko‘tarilganida 2100-yilga kelib aholi jon boshiga ishlab chiqarish hajmi 15%-25% ga, qo‘shimcha 4°C isishi esa 30% dan ko‘proqqa qisqarishini prognoz qilgan. Ushbu asrning oxiriga kelib, dunyo aholisining 90%ni yashaydigan mamlakatlarning 71% tomonidan ko‘riladigan choralar natijasida isishni 1,5°C ga cheklash iqtisodiy zararni kamaytirish ehtimoli 75% dan ko‘proq ekanligini va buning natijasida 3% diskont stavkasi (2010 yil AQSH dollarri) ostida to‘plangan global foyda 20 trillion AQSh dollaridan oshib ketish ehtimoli 60% dan ko‘proq ekanligini qayd etadi. Shuningdek, bundan kambag‘al mamlakatlar ko‘proq foyda ko‘radi deya xulosa qilgan [6].

2019-yilda Stenford universiteti professorlari N. Diffenbaugh va M.Burke global isishning global iqtisodiy tengsizlikka ta’sirini o‘rganib, “global isish so‘nggi yarim asrda mamlakatlar o‘rtasidagi tengsizlikni 25 foizga oshishiga kuchaytirganligini ta’kidlagan” [7]. Ularning fikricha, bu tengsizlikning o‘sishi isishning yillik iqtisodiy o‘sishga ta’siri natijasidir. Shuningdek, o‘nlab yillar davomida isish bo‘lмаган davr bilan solishtirganda issiqroq va qashshoqroq mamlakatlarda ishlab chiqarishning barqaror va sezilarli darajada pasayishi va ko‘plab sovuqroq, boyroq mamlakatlardagi daromadlarning o‘sishi kuzatiladi. Bunda, qazib olinadigan yoqilg‘idan to‘g‘ridan-to‘g‘ri foydalanishdan teng foyda ko‘rmaslik bilan bir qatorda, ko‘plab kambag‘al mamlakatlar boy mamlakatlarning energiya iste’moli natijasida yuzaga kelgan isishdan sezilarli darajada zarar ko‘radi.

London Iqtisodiyot va siyosiy fanlar maktabi professori Simon Dietz va uning jamoasi 2021-yilda meta-analitik integratsiyalashgan baholash modelidan foydalanilgan holda iqlim o‘zgarishining 8 ta o‘zgarish nuqtalarini tahlil qilib, tadqiqot natijasida “haroratning 3°C isishi aholi jon boshiga global iste’molni taxminan 1% ga, 6°C isishi esa 1,4% atrofida kamayishiga olib keladi” [8] deya qayd etgan.

Bristol universiteti professori R.Davies va uning jamoasi 2021-yilda iqlim o‘zgarishlarini ayrim davlatlar kesimida tahlil qilishgan. Ularning tadqiqot natijalariga ko‘ra, “havo haroratining o‘rtacha $1,4^{\circ}\text{C}$ ga isishi Filippin yalpi ichki mahsulotining 1,3%ga pasayishiga olib keladi, $3,2^{\circ}\text{C}$ isishda yo‘qotish deyarli 7% ni tashkil qiladi. Yoki, Saudiya Arabistonda o‘rtacha global harorat 3°C dan ortiq ko‘tarilsa, YaIM 12% ga qisqarishi mumkinligi qayd etilgan” [9].

Swiss Re Instituti olimlarining fikriga ko‘ra, 2050-yilga kelib, iqlim o‘zgarishining global yalpi ichki mahsulotga kutilayotgan ta’siri iqlim o‘zgarishi bo‘limganda davrga nisbatan 4 xil ssenariyda kuzatiladi:

1) *Parij konferensiyasida rejalashtirilgan maqsadlarga erishilib, global isish 2°C dan ancha past bo‘lsa, global YaIM 4,2% kamayishi;*

2) *global isish 2°C dan yuqori o‘sish holatida global YaIM 11% kamayishi;*

3) *global isish $2,6^{\circ}\text{C}$ gacha o‘sishi hamda yumshatish choralar ko‘rilganda global YaIM 14% kamayishi;*

4) *global isish $3,2^{\circ}\text{C}$ o‘sishi va yumshatish choralarining ko‘rilmashligi holatida global YaIM 18% kamayishi prognoz qilingan* [10].

Altshuler janubiy metodist universitetining professori K.Desmet va uning jamoasi iqlim o‘zgarishining iqtisodiy ta’sirini baholash uchun miqdoriy, dinamik fazoviy modellarni ishlab chiqib, ularning tadqiqot natijalariga ko‘ra, global farovonlikning o‘rtacha yo‘qolishi 5 foizni tashkil qiladi, ammo dunyoning eng qashshoq mintaqalarida esa 15 foizgacha bo‘ladi. Shuningdek, Markaziy Afrika, Lotin Amerikasi va Janubi-Sharqiy Osiyo taxminan 10 foizni yo‘qotadi, ko‘plab ilg‘or davlatlar kamroq yo‘qotadi, ba’zi shimoliy hududlar esa yutadi [11] deya xulosa qilgan.

Asosiy qism. Yuqoridagi tadqiqotlarda ko‘rib chiqilganidek, ko‘plab Yevropa olimlari iqlim o‘zgarishining iqtisodiyotga ta’sirini G‘arb davlatlari misolda modellashtirib, o‘rgangan. Bugungi kunda Markaziy Osiyo mintaqasi sharoitida ham ushbu yo‘nalishda tadqiqotlar olib borilmoqda.

Jumladan, Janubiy Kaliforniya universitetining professori M. Kahn va uning jamoasi iqlim o‘zgarishining davlatlar kesimida iqtisodiy faoliyatga uzoq muddatli ta’sirini stoxastik o‘sish modelidan foydalangan holda o‘rganib, harorat va yog‘ingarchilikning tarixiy me’yorlaridan o‘zgarishining mehnat unumdorligiga ta’sirini

aniqlagan. Tadqiqotchilar 1960-yildan 2014-yilgacha bo‘lgan 174 mamlakat bo‘yicha panel ma’lumotlaridan foydalangan holda, aholi jon boshiga real ishlab chiqarish o‘sishiga haroratning tarixiy me’yorlardan yuqori yoki past bo‘lgan doimiy o‘zgarishlar salbiy ta’sir ko‘rsatganligini aniqlagan. Shuningdek, yumshatish siyosati mavjud bo‘limganda o‘rtacha global haroratning yiliga $0,04^{\circ}\text{C}$ ga barqaror o‘sishi 2100-yilga kelib aholi jon boshiga global real YaIMni 7%dan ko‘proqqa qisqartiradi. Parij kelishuviga rioya qilish va yiliga $0,01^{\circ}\text{C}$ gacha harorat ko‘tarilishini cheklash, yo‘qotishlarni taxminan 1%ga kamaytiradi. Bu ta’sirlar haroratning ko‘tarilish tezligi va iqlim sharoitining o‘zgaruvchanligiga qarab mamlakatlarda tubdan farq qiladi. Mazkur tadqiqot bo‘yicha 1960-2014-yillar davomida O‘zbekistonligi haroratning o‘rtacha yillik oshishi $0,0214\text{ga}$ teng bo‘lib, 2030, 2050 va 2100-yillarga kelib aholi jon boshiga YaIMga ta’siri havo harorati $2,6^{\circ}\text{C}$ ga isiganda mos ravishda 0,30%, 0,93%, 3,11% bo‘lsa, $8,5^{\circ}\text{C}$ ga isiganda mos ravishda 1,11%, 3,79% va 11,72% yo‘qotishga olib keladi [12].

Xalqaro valyuta jamg‘armasi Yaqin Sharq va Markaziy Osiyo departamenti ekspertlarining fikricha, keyingi sakkiz yil ichida Kavkaz va Markaziy Osiyoda barcha yoqilg‘i subsidiyalarini bosqichma-bosqich bekor qilish va qo‘shimcha ravishda CO₂ ekvivalenti uchun 4 AQSh dollari (Yaqin Sharq, Shimoliy Afrika, Afg‘oniston va Pokistonda 8 AQSh dollari) uglerod solig‘ini joriy etish hamda qayta tiklanadigan energiya manbalariga qo‘shimcha investitsiyalar kiritish 2030-yilgacha mintaqadagi issiqxonalarini kamaytirish maqsadlariga (Parij kelishuv) erishilishiga ko‘maklashadi. Shu bilan bir qatorda, Kavkaz va Markaziy Osiyoda 2023–2030-yillarda qayta tiklanadigan energiyaga 114 milliard AQSh dollari miqdorida (2021-yildagi mintaqanining yalpi ichki mahsulotining 27%) qo‘shimcha davlat investitsiyalarini kiritsa yonilg‘i subsidiyalarini uchdan ikki qismga qisqartirish va hech qanday uglerod solig‘isiz emissiyalarini kamaytirish bo‘yicha mintaqadagi maqsadlarga erishadi. Mamlakatlar o‘zlarining individual sharoitlariga qarab, ushbu chora-tadbirlarning kombinatsiyasini tanlashlari mumkin. Shuningdek, 2030-yilda Kavkaz va Markaziy Osiyoda aholi jon boshiga real yalpi ichki mahsulot 5 foizga kamayishi mumkin [13].

Livanlik iqtisodchi J.Azour va uning jamoasi “Xalqaro valyuta jamg‘armasining so‘nggi tadqiqotlari shuni ko‘rsatadiki, iqlim o‘zgarishi natijasida yuzaga

kelgan fundamental iqtisodiy zARBalar nafaqat oziq-ovqat xavfsizligiga tahdid soladi, balki aholi salomatligiga, qashshoqlik va tengsizlikka, aholining ko‘chishiga, siyosiy barqarorlikka va hatto mojarolarga ta’sir qiladi. Iqlim o‘zgarishi va tabiat ofatlari natijasida Markaziy Osiyoda 5,5 foiz, Yaqin Sharq va Shimoliy Afrikada 1,1 foiz yalpi ichki mahsulotning doimiy yo‘qolishiga olib keladi” [14]. Xalqaro valyuta jamg‘armasining moslashish va yumshatish bo‘yicha so‘nggi tadqiqotlariga ko‘ra, iqlimga chidamlilikni sezilarli darajada yaxshilash va 2030-yilgacha emissiyalarni qisqartirish maqsadlariga erishish uchun davlatlar yiliga YaIMning 4 foizingacha bo‘lgan sarmoyalar kiritishi zarur [14] deya qayd etgan.

Jahon banki ekspertlarining o‘rganish natijalariga ko‘ra, iqtisodiy modellashtirish shuni ko‘rsatadiki, iqlim o‘zgarishi O‘zbekistonda iqtisodiy beqarorlikning kuchayishiga va o‘rtacha iqtisodiy o‘sish sur’atlarining pasayishiga olib keladi, shuning uchun 2050-yilga kelib uning hajmi iqlim o‘zgarishidan zarar ko‘rmaganda bo‘lganidan 10 foizga kamroq bo‘ladi. Natijada bandlik sezilarli darajada pasayadi va qashshoqlik darajasi yuqori bo‘ladi. 2030-yilda esa iqlim o‘zgarishlari iqtisodiyotning 4-5% kamayishiga ta’sir qiladi [15].

Xulosa va takliflar. Iqlim o‘zgarishlarining iqtisodiyoga ta’sirini miqdoriy baholash iqlim o‘zgarishi jarayoni, uning ta’sirining davomliligi va ko‘lami bilan bevosita bog‘liq. Biroq, olimlar o‘rtasida iqlim o‘zgarishlari, xususan yer yuzasida o‘rtacha haroratning kelgisidagi yillar kesimida isish darajasi yuzasidan aniq konsessus mayjud emas. **Shu sababli ham, yuqoridagi tadqiqotlarda iqlim o‘zgarishlarining iqtisodiyotga ta’siri asosan 3 xil ssenariylarda:**

- 1) haroratning $2,5^{\circ}\text{C}$ gacha isishi;
- 2) $2,5\text{--}5^{\circ}\text{C}$ isish;
- 3) 5°C dan yuqori isish sharoitida prognoz qilinadi. Ushbu ta’sirlar barcha davlatlar iqtisodiyotiga bir xilda emas, balki havo haroratining $1\text{--}2,5^{\circ}\text{C}$ isishi sharoitida yer sharining janubiy qismida joylashgan davlatlar yalpi ichki mahsulotining o‘rtacha 7–12% gacha, shimol qismida joylashgan davlatlarda esa 2–3% gacha yo‘qotishiga olib keladi. Hatto, shimoliy

qismida joylashgan ayrim davlatlar, havo haroratining isishi oqibatida yerdan foydalanish imkoniyatlarining kengayishi, ishlash va yashash sharoitlarining yaxshilanishi hisobiga foyda ham ko‘radi.

Shu bilan birga, “Parij kelishuvi” doirasidagi davlatlarga yuklatilgan majburiyatlarining bajarilishi, iqlim o‘zgarishlariga moslashish va uning ta’sirlari yumshatilishi hamda qarshi kurashish choralar uchun 2030-yilgacha davlatlar yiliga YaIMning 4 foizi atrofida investitsiya ajratib borishi lozim. Bu ham iqtisodiyotga o‘zining salbiy ta’sirini ko‘rsatadi. Shu o‘rinda qayd etish lozimki, yirik davlatlar tomonidan “Parij kelishuvi” majburiyatlarining bajarilishi darajasi global iqtisodiyotga o‘z ta’sirini ko‘rsatadi. Xususan, issiqxona gazlari chiqindilarini kamaytirish uchun qazib olinadigan energiyadan voz kechish, CO₂ uchun soliqlarni joriy etish, iqtisodni qayta tiklanuvchi energiyaga o‘tkazish, ekologik toza energiya tannarxining qimmatligi, qishloq xo‘jaligida suvning yetishmasligi yoki suv sarfida samaradorlikni oshirish, unumdon yer qatlaming sho‘rlanishi va boshqa shu kabi choralar davlatlar iqtisodiyotiga jiddiy salbiy ta’sir qiladi. Ushbu choralar energiya asosida ishlab chiqariladigan barcha tovar, ish va ko‘rsatiladigan xizmatlar tannarxining oshishiga olib keladi.

Yuqoridagi tadqiqotlar natijalarining metatahlili asosida, Markaziy Osiyo mintaqasida havo haroratining isish darajasi $2,5^{\circ}\text{C}$ ga ko‘tarilganda iqlim o‘zgarishlarining iqtisodiyotga ta’siri 2030-yilga borib yalpi ichki mahsulotga nisbatan o‘rtacha 3-4% yo‘qotishiga olib keladi. Isish darajasi $2,5^{\circ}\text{C}$ dan yuqori bo‘lganda esa bu ko‘rsatkich o‘rtacha 5-7% dan oshadi.

Fikrimizcha, kelgisida iqlim o‘zgarishlarining iqtisodiyotga ta’sirini baholash bo‘yicha milliy ekologik taksonomiya va monitoring, hisobot va tekshirish tizimini ishlab chiqish, uglerod neytralligi maqsadlariga erishish mexanizmlarini amaliyotga joriy etilishini iqtisodiyotning o‘sishi bilan hamohanglikda olib borish, atrof-muhitni muhofaza qilish qoidalarini qat’ylashtirish, yashil xususiy investitsiyalarni rag‘batlantirish va ushbu sohada samarali fiskal choralarini ko‘rish maqsadga muvofiq.

Manba va adabiyotlar

1. Richard S. J. Tol. *The economic effects of climate change//Journal of Economic Perspectives*. 2009. Vol. 23. N 2.–P. 29.//<https://www.aeaweb.org/>

-
2. Hoel M., Sterner T. *Discounting and relative prices//Climate Change*. 2007. Vol. 84. N 3. P. 265–280.
 3. Juan-Carlos Ciscar, Ana Iglesias, Luc Feyen, Antonio Soria. *Physical and economic consequences of climate change in Europe*. January 31, 2011. 108 (7) 2678-2683//<https://www.pnas.org/doi/full/10.1073/pnas.1011612108>
 4. Martin L. Weitzman. *GHG targets as insurance against catastrophic climate damages//Journal of Public Economic Theory*, 14 (2), 2012, – PP.221–244.// <https://scholar.harvard.edu/files>
 5. William D. Nordhaus. *Revisiting the social cost of carbon*. January 31, 2017. 114 (7) 1518-1523//<https://www.pnas.org/doi/10.1073/pnas.1609244114>
 6. Marshall Burke, W. Matthew Davis & Noah S. Diffenbaugh , *Large potential reduction in economic damages under UN mitigation targets*, *Nature*, 2018. // <https://www.nature.com/articles>
 7. Noah S. Diffenbaugh and Marshall Burke. *Global warming has increased global economic inequality//Proc Natl Acad Sci U S A*. 2019 May 14; 116(20): 9808–9813.//<https://www.ncbi.nlm.nih.gov/pmc/articles>
 8. Simon Dietz, James Rising, Thomas Stoerk and Gernot Wagner. *Economic impacts of tipping points in the climate system*. August 16, 2021. 118 (34) e2103081118//<https://www.pnas.org/doi/full/10.1073/pnas.2103081118>
 9. Richard Davies, Dénes Csala, Charlie Meyrick. *Climate crisis: in numbers*. 15 october 2021.//<https://www.economicsobservatory.com/climate-crisis-in-numbers>
 10. Jessie Guo, Daniel Kubli, Patrick Saner. *Swiss Re Institute: The economics of climate change: no action not an option*. April 2021.// <https://www.swissre.com/dam/jcr:e73ee7c3-7f83-4c17-a2b8-8ef23a8d3312/swiss-re-institute-expertise-publication-economics-of-climate-change.pdf>
 11. Klaus Desmet and Esteban Rossi-Hansberg. *The Economic Impact of Climate Change over Time and Space*. Featured in print Reporter. 01/05/2022.// <https://www.nber.org/>
 12. Matthew E. Kahn, Kamiar Mohaddes, Ryan N. C. Ng, M. Hashem Pesaran, Mehdi Raissi and Jui-Chung Yang. *Long-Term Macroeconomic Effects of Climate Change: A Cross-Country Analysis*. October 2019. *IMF Working Paper*, International Monetary Fund, Washington, DC.// <https://www.imf.org/>
 13. Gareth Anderson, Jiayi Ma, Tokhir Mirzoev, Ling Zhu, and Karlygash Zhunussova. *A Low-Carbon Future for the Middle East and Central Asia What Are the Options?*. November 2022. International monetary fund Middle East and Central Asia department Paper, Washington, DC.//<https://www.imf.org/>
 14. Jihad Azour, Hasan Dudo, Ling Zhu. *How the Middle East and Central Asia Can Better Address Climate Challenges*// <https://www.imf.org/en/Blogs/>
 15. Группа Всемирного банка. Страновой доклад о климате и развитии: Узбекистан. Ноябрь 2023 г. *Public Disclosure Authorized*. – C.– 9.

Investitsiya, raqamli va innovatsion texnologiyalar / Инвестиции, цифровые и инновационные технологии / Investment, digital and innovative technologies

УЎК: 336.71.(575.1)

Даниэль АРТИЩЕВ,
студент филиала РГУ нефти и газа (НИУ)

им. И.М. Губкина в г. Ташкенте,
Email: school.n.183@gmail.com,

Милена ЗАГРЕБЕЛЬСКАЯ,

PhD, доцент филиала РГУ нефти и газа (НИУ)
им. И.М. Губкина в г. Ташкенте,

Email: milena5533@mail.ru

ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ ЦИФРОВОГО БАНКИНГА В УЗБЕКИСТАНЕ

Аннотация: данная статье посвящена исследованию тенденций развития цифрового банкинга в Узбекистане. Рассмотрены преимущества и недостатки «диджитал банкинга», проведена сравнительная характеристика основных игроков на рынке банковских услуг Узбекистана. Выявлены проблемы внедрения и развития цифрового банкинга и обозначены меры по их устранению.

Ключевые слова: цифровой, цифровой банкинг, цифровые технологии, финансы.

O'ZBEKISTONDA RAQAMLI BANKNI RIVOJLANTIRISHNING HOZIRGI TENDENSIYALARI

Daniel ARTISHCHEV,

I.M.Gubkin nomidagi Rossiya davlat neft va gaz universiteti Toshkent shahridagi filiali talabasi,

Milena ZAGREBELSKAYA,

PhD, I.M.Gubkin nomidagi Rossiya davlat neft va gaz universiteti Toshkent shahridagi filiali dotsenti

Annotatsiya: ushbu maqola O'zbekistonda raqamli bankingning rivojlanish tendensiylarini o'rganishga bag'ishlangan. Unda "Raqamli banking"ning afzalliklari va kamchiliklari ko'rib chiqildi, O'zbekiston bank xizmatlari bozoridagi asosiy o'yinchilarning qiyosiy tavsifi o'tkazildi. Raqamli bankni joriy etish va rivojlanirish muammolari aniqlandi va ularni bartaraf etish choralari belgilandi.

Kalit so'zlar: *raqamli, raqamli bank, raqamli technologiyalar, moliya.*

CURRENT TRENDS IN THE DEVELOPMENT OF DIGITAL BANKING IN UZBEKISTAN

Daniel ARTISHCHEV,

Branch of Gubkin Russian State University of Oil and Gas (NRU) in Tashkent, Student,

Milena ZAGREBELSKAYA,

PhD, assistant professor of Branch of Gubkin Russian State University of Oil and Gas (NRU) in Tashkent

Abstract: this article explores the trends in digital banking development in Uzbekistan. It describes the advantages and disadvantages of digital banking, provides a comparative analysis of the key players in Uzbekistan's banking services market, identifies challenges in the implementation and development of digital banking, and suggests measures for their resolution.

Keywords: digital, digital banking, digital technologies, finance.

Введение. С развитием информационных технологий банковская отрасль начала стремительно меняться: теперь необходимость посещения отделений банков стала постепенно исчезать, точно также как и необходимость существования традиционных банков. Появились системы дистанцион-

ного обслуживания клиентов, мобильные приложения, позволяющие клиентам осуществить перевод денежных средств, оплату счетов, оформить кредит или открыть депозит, заказать физическую или виртуальную карту, произвести конвертацию валюты в любое удобное для них время.

В последние годы в мире усиливается тенденция к цифровизации банковских процессов, а предоставление услуг и решение вопросов клиентов переводится все чаще в онлайн-режим. Порядка десяти лет назад появился такой термин как «цифровой банкинг», начали создаваться т.н. «цифровые банки», которые на сегодняшний день являются мейнстримом развития банковской отрасли. Актуальность развития цифрового банкинга обусловлена массовой цифровизацией бизнес-процессов, необходимостью улучшения качества обслуживания клиентов и возрастающей конкуренцией на рынке банковских услуг, а также Указом Президента Республики Узбекистан, от 05.10.2020 г. №УП-6079 «Об утверждении стратегии «Цифровой Узбекистан-2030» и мерах по ее эффективной реализации» [1].

Основная часть. Говоря о «цифровизации» и «диджитализации» следует отметить, что существуют различия в трактовании терминов. По мнению Фомичёвой Т.В. под цифровизацией в узком смысле традиционно понимается преобразование информации в цифровую форму, которое в дальнейшем приводит к оптимизации издержек, появлению новых перспектив развития и пр. [7]. В глоссарии Gartner IT понятие диджитализации трактуется как «использование цифровых технологий для изменения бизнес-модели и предоставления новых возможностей получения дохода и создания ценности; это процесс перехода к цифровому бизнесу» [22]. Цифровой банкинг – это процедура осуществления банковских операций посредством использования мобильного приложения. Подразумевается, что все привычные для пользователя операции производятся исключительно через смартфон или любой другой девайс, поддерживающий установку приложения или доступ к сайту банка. При этом не стоит путать цифровой банкинг с онлайн-банкингом, поскольку цифровой банкинг – это более широкий термин, который включает в себя все цифровые технологии и решения, используемые банками для предоставления услуг клиентам. «Диджитал» банкинг включает в себя онлайн-банкинг, а также другие инновационные возможности, такие как мобильные

банкинговые приложения, бесконтактные платежи, использование искусственного интеллекта и машинного обучения для анализа данных и предоставления персонализированных услуг клиентам.

Англоязычные источники трактуют цифровой банкинг как совокупность онлайн-банкинга и мобильного банкинга [20]. Онлайн-банкинг – это возможность доступа к банковским услугам через сеть Интернет с использованием компьютера. Мобильный же банкинг – это доступ к банковским услугам через мобильное приложение. Принципиальным отличием мобильного банкинга является удобство и мобильность пользования, в то время как возможности его по сравнению с онлайн-банкингом несколько ограничены.

Цифровые банки – это финансовые институты, аналоги традиционных банков, которые не имеют физических отделений и филиалов. Банк может считаться цифровым в том случае, если все протекающие в нем процессы и функции оцифрованы. Из существенных особенностей цифровых банков можно отметить следующее:

1) Не имеют физических отделений и филиалов, а также не требуют непосредственного присутствия клиента при осуществлении операций и услуг. При этом не обязательно полностью исключать существование офисов, поскольку в них может находиться управленческий аппарат и IT-персонал.

2) Функционируют с использованием модели электронного оборота или «банки с единственным каналом обслуживания – электронным, который является общим знаменателем и обеспечивает платформу для всех остальных точек взаимодействия: мобильной, по телефону, через интернет, в отделениях». [9] Это значит, что в основу коммуникаций банка положены инновационные, постоянно обновляемые IT-сервисы.

3) Передовые технологии, в свою очередь, имеют ряд функций, включающих не только анализ финансовых данных, но и некоторые психологические аспекты клиентов. Учет индивидуальных предпочтений позволяет создать портрет клиента, на основе которого разрабатываются привлекательные предложения банковских продуктов, максимально подходящих клиенту.

Преимущества и недостатки цифровых банков

Цифровые банки имеют ряд преимуществ, из-за которых традиционные банки рискуют уйти в прошлое.

1. Экономия за счет сокращения различного рода издержек. Отсутствие необходимости содержания физических отделений банка и автоматизация процессов расширяют возможности цифровых банков в предоставлении банковских продуктов на более выгодных условиях, что делает их конкурентоспособными и доступными.

2. Использование ИТ-технологий и искусственного интеллекта. Такие технологии как Big data позволяют анализировать и структуризировать большие объемы информации с целью их дальнейшего применения – например, в целях привлечения новой целевой аудитории, а также оценки доверенности имеющихся клиентов и реализации проектов, которые будут пользоваться спросом [10].

3. Удобство цифрового банкинга, а именно мобильность. Для того, чтобы осуществить моментальную оплату или денежный перевод, открыть счет, конвертировать валюту или получить кредит, необходимо иметь лишь смартфон под рукой. Кроме того, появилась возможность дистанционного онбординга клиентов – это значит, что клиентом банка можно стать путем регистрации в мобильном приложении. Все это доступно в формате 24/7, причем программы взаимодействия с клиентом на базе искусственного интеллекта в виде чат-ботов способны ответить на большинство вопросов и помочь с решением проблем клиента.

4. Использование финансовых технологий, повышающих доступность капитала. В качестве примера можно привести платформу P2P (peer-to-peer), которая позволяет совершать транзакции с контрагентом напрямую. С помощью данной платформы небольшие предприятия имеют возможность получить активы в криптовалюте по более желаемым ценам, в сравнении с биржами.

5. Наличие динамичной экосистемы. Экосистема банка – это система, включающая в себя разновидности когнитивных и облачных технологий, «большие данные», искусственный интеллект, бесконтактные платежи, удаленные транзакции и т.д. [8] Характерной особенностью экосистем является их динамичность и постоянное совершенствование. Экосистема является важным инструментом доступа к банковским услугам, которая также позволяет банкам интегрироваться и сотрудничать с другими компаниями или иметь собственные небанковские сервисы. В качестве примера можно привести известный маркетплейс Uzum.

6. Повышенная безопасность. Безопасность всегда остается актуальным вопросом, поскольку прогрессируют не только технологии защиты, но и методы их взлома. Однако все узлы блокчейна защищены путем надежного шифрования блоков цепи и ссылок между блоками. Платформы Fintech также предоставляют различные методы защиты анонимности и предотвращения утечки данных. [5]

Преимущества цифрового банкинга можно воспринимать как обязательные аспекты нынешних реалий, продиктованные временем. Однако стоит упомянуть и об обратной стороне медали – цифровые банки имеют также определенные риски и проблемы:

1. Угроза киберпреступлений. Одним из самых существенных рисков в сфере «диджитал банкинга» являются киберпреступления, направленные на счета и базы данных системы. Любые малейшие уязвимости в системе защиты могут повлечь за собой утечку данных, а кибератаки подвергают опасности целостность клиентских и корреспондентских счетов банка. Злоумышленники не дремлют, поэтому имеется постоянная необходимость в высококвалифицированных ИТ-специалистах, способных идти в ногу с технологическим прогрессом.

2. Для большинства пользователей (как минимум Узбекистана) цифровой банкинг сложен для восприятия. Проблемой является тот факт, что представители старшего поколения, например, имеют довольно низкий уровень цифровой грамотности, как следствие возникают проблемы с использованием мобильных приложений, а также представляется возможным легкое манипулирование пользователями со стороны злоумышленников.

3. Ограничения в функциональности. Здесь речь идет о крупных и сложных транзакциях, которые не могут быть совершены цифровыми банками, поскольку требуется непосредственная встреча с клиентом. Такие процедуры как крупные международные операции, вопросы международного финансирования, оформление сложных кредитов и т.п. зачастую требуют встречи с экспертами, что обычно организуется традиционными банками [6].

Цифровой банкинг в Узбекистане

Развитие цифрового банкинга в Узбекистане берет свое начало с 2020 года, когда на рынок вышел первый цифровой банк в Узбекистане – TBC Bank. С течением времени тенденции развития мировой

экономики начали все интенсивнее проникать в Узбекистан. На сегодняшний день рынок цифровых банков Узбекистана представлен несколькими игроками:

1. TBC Bank. TBC Банк вышел на рынок Узбекистана в октябре 2020 года как первый цифровой банк страны. В 2022 году TBC был признан лучшим цифровым банком по версии журнала World Economic Magazine. Количество пользователей на 1 июля 2023 года составило свыше 1,37 млн. [16].

«Здесь. Сейчас» Главный принцип работы в TBC Bank [12].

Услуги: денежные переводы, кредиты, депозиты, рассрочка, обмен валюты, банковские карты и оплата счетов.

Преимущества:

- Наличие рассрочки для покупок у партнеров банка на сумму до 35 млн сумов;
- Кредиты до 50 млн. сум без поручителей и справок;
- Функция автонакопления депозитов;
- Возможность дополнительного дохода за приглашение знакомых (при условии, что они оформят кредит на сумму от 3 млн сумов);
- TBC Stars – бонусная программа, позволяющая клиентам выигрывать призы посредством накопления звезд в приложении;
- TBC ornaments – социальный проект TBC Bank Uzbekistan, целью которого стало создание полноценного диджитал каталога оцифрованных орнаментов прикладного искусства и народного творчества Узбекистана, сделать его доступным для всех, кто сможет использовать эти орнаменты в брендинге своих будущих продуктов.

Недостатки:

- Отсутствие возможности открытия депозита в иностранной валюте – доступен только сум;
- Практически не имеет юридических лиц в качестве клиентов.

2. Uzum Bank. Изначально Uzum Bank был создан как дочерний цифровой банк «Капиталбанка» под названием Bank Apelsin в конце 2019 года. В июле 2020 Центробанк сообщил, что Bank Apelsin запустил собственную систему электронных денег [11]. В октябре 2020 года банком Apelsin было объявлено об интеграции с сервисами группы Uzum, вследствие чего произошел ребрендинг: «Apelsin» стал «Uzum»ом. Число пользователей банка на 1 июля 2023 года составило свыше 1,56 млн. [16].

Услуги: денежные переводы, рассрочка, обмен валюты, оплата счетов.

Такие продукты как банковские карты, депозиты и кредиты будут доступны скоро, согласно информации на сайте банка [14].

Преимущества:

- Интеграция банка с целой экосистемой цифровых сервисов – в частности, интеграция с маркетплейсом Uzum, с возможностью приобрести товары в рассрочку;
- Платежи по QR-коду через Uzum Pay, доступные более чем в 35 тысячах торговых точек по всему Узбекистану;
- Занимает лидирующую позицию по числу p2p-переводов; [19]
- Наличие собственной системы электронных денег.

Недостатки:

- Временное отсутствие целого ряда важных банковских продуктов – к примеру, возможность открытие депозита, оформление кредита и т.д.

В целом, Uzum Bank имеет хорошие перспективы развития из-за интеграции с экосистемой Uzum, однако на данный момент не может называться полноценным цифровым банком из-за отсутствия перечня важных банковских продуктов.

3. Anor Bank. Один из ведущих цифровых банков Узбекистана – Anor Bank, был открыт в 2020 году. Anor bank первым на рынке предоставил максимальное количество услуг в цифровом формате. Число пользователей банка на 1 июля 2023 года составило свыше 3,21 млн. [16]

Услуги: денежные переводы, эквайринг, кредиты, депозиты, рассрочка, обмен валюты, банковские карты и оплата счетов.

Преимущества:

- Самые высокие ставки по депозитам в национальной валюте – до 27%, в долларах США – до 7%;
- Наличие эквайринга;
- Наличие уникальной услуги «Зарплатный проект», которая позволяет оформлять сотрудников предприятий без расчетного счета в Anor bank.

Недостатки:

- Довольно сложный интерфейс приложения – его необходимо доработать в области оплаты кредитов.

4. Joyda. Joyda – продукт АКБ «Узпромстройбанк» (SQB), совмещающий функции цифрового банка и маркетплейса в одном приложении. Число пользователей – 600 тысяч.

Услуги: денежные переводы, рассрочка, оплата счетов (также кредиты и депозиты, только от SQB).

Преимущества:

- Удобный маркетплейс с возможностью рассрочки.

Недостатки:

- Приложение работает с перебоями;
- Фактическое отсутствие какой-либо статистики по банку.

Хотя Joyda и позиционируют как цифровой банк, по функционалу он сопоставим с мобильным приложением любого другого банка, с тем лишь различием, что Joyda совмещает в себе также маркетплейс.

5. Также имеется 3 цифровых банка, которые получили лицензию и в скором времени планируют открыться: Hayot Bank, Smart Bank и Yangi Bank.

В целях понимания масштабов и эффективности деятельности цифровых банков предлагается обратить внимание на величину собственного капитала (СК) цифровых банков (Рисунок 1). Собственный капитал состоит из заработанных и вложенных средств, которые могут быть использованы при осуществлении деятельности. Иными словами, СК – это совокупность средств, которыми располагает фирма. Чем эффективнее деятельность банка, тем больший СК он имеет.

Величина собственного капитала банков,
млрд сум




Рисунок 1. Изменение величины собственного капитала цифровых банков Узбекистана.

Источник: составлено автором на основе данных [17] Единого портала корпоративной информации Министерства экономики и финансов <https://openinfo.uz/ru/>

Из рисунка 1 можно сделать вывод о том, что лидирующим по величине собственного капитала является TBC Bank. Существенное увеличение СК в 3 квартале 2022 года, а также в 1 квартале 2023

года связано с увеличением уставного и добавленного капиталов вследствие улучшения финансовых показателей функционирования банка. Стоит отметить, что несущественные колебания в сторону уменьшения величины СК (например, во 2-квартале 2021 и 2022 годов) связаны с увеличением суммы обязательств банка.

На рисунке 2 продемонстрировано соотношение пользователей систем дистанционного банковского обслуживания в разрезе банков Узбекистана

Соотношение пользователей систем дистанционного обслуживания




Рисунок 2. Соотношение пользователей систем дистанционного обслуживания по банкам.

Источник: составлено автором на основе данных ЦБ [16] <https://cbu.uz/ru/statistics/paysystem/1222371/>

Исходя из диаграммы на рисунке 2 можно отметить, что тройка цифровых банков по соотношению клиентов в общей структуре пользователей дистанционного банковского обслуживания в совокупности составляет 12%, (Anor Bank 8%, TBC и Uzum – по 4% соответственно) что количественно соответствует порядка 6,15 млн пользователей. Однако стоит отметить, что в настоящее время традиционные банки стремятся не отставать от цифровых конкурентов в технологическом прогрессе – ими также активно внедряются дистанционные каналы обслуживания, создаются многофункциональные мобильные приложения, которые способны составить конкуренцию цифровым банкам в удобстве обслуживания.

О масштабах деятельности цифровых банков, их удельном весе в банковской системе Узбекистана можно также судить по основным показателям деятельности банков: по доле активов, кредитов, депозитов и капитала в общей структуре. Эти показатели отражены в таблице 1.

Таблица 1
Сведения об основных показателях коммерческих банков по состоянию на 1 июня 2023 года

	Активы		Кредиты		Капитал		Депозиты	
	млрд.сум	Уд. вес, %	млрд.сум	Уд. вес, %	млрд.сум	Уд. вес, %	млрд.сум	Уд. вес, %
Всего	572 343	100%	420 469	100%	84 766	100%	204 790	100%
Традиционные банки	564 974	98,713%	415 781	98,885%	83 156	98,101%	199 636	97,483%
Anor Bank	3 867	0,676%	2 483	0,591%	397	0,468%	3 238	1,581%
TBC Bank	2 952	0,516%	2 205	0,524%	899	1,060%	1 891	0,924%
Uzum Bank	277	0,048%	0,0	0,000%	116	0,136%	25	0,012%
Hayot Bank	173	0,030%	0,0	0,000%	100	0,118%	0,0	0,000%
Smart Bank	99	0,017%	0,5	0,000%	99	0,117%	0,04	0,000%
Цифровые итого	7 369	1,287%	4 689	1,115%	1 610	1,899%	5 154	2,517%

Источник: составлено автором на основе данных ЦБ [18] <https://cbu.uz/ru/statistics/bankstats/1146182/>

Таблица 1 демонстрирует, что доля цифровых банков в структуре всех банковских активов Узбекистана на 1 июня 2023 года составляет 1,28%, доля кредитов – 1,12%, доля депозитов – 2,52%, а удельный вес капитала в общей структуре банковского капитала составляет 1,9%. При этом среди цифровых банков по таким показателям как доля активов (0,68%), удельный вес кредитов (0,59%) и депозитов (1,58%) лидирует Anor Bank. По удельному весу капитала среди цифровых банков лидирует TBC Bank (1,06%), что подтверждает ранее рассмотренный рисунок 1.

Уместно упомянуть, что цифровые банки в нашей стране практически не работают с юридическими лицами, поэтому их удельный вес в кредитовании столь мал. Это объясняется тем, что потребности и требования юридических лиц в области банковских услуг могут быть более сложными и разнообразными, чем у физических лиц, и цифровые банки не в силах в полной мере удовлетворить их.

Что касается таких цифровых банков как Hayot и Smart, то их основные банковские показатели не столь существенны по той причине, что запуск этих банков только планируется в ближайшем будущем.

Несмотря на то, что масштабы новых игроков в нише цифровых банков относительно малы, формирование их активов отмечается в 2023 году (рисунок 3), что обусловлено планируемым запуском.

Активы цифровых банков, млрд сум




Рисунок 3. Изменение активов цифровых банков

Источник: составлено автором на основе данных ЦБ [18] <https://cbu.uz/ru/statistics/bankstats/1146182/>

Активы Anorbank увеличились с 963 млрд сум до 3867 млрд сум за 2 года, что составляет прирост в 401%. У TBC данный показатель изменился на 419%, с 703 млрд сум до 2952 млрд. A Uzum Bank увеличил свои активы на 163%, с 1,7 млрд до 277 млрд сум. Далее предлагается рассмотреть динамику кредитного и депозитного портфелей цифровых банков, поскольку она является показателем масштабов и одним из показателей эффективности их деятельности.

Динамика изменения депозитного портфеля цифровых банков представлена графиком на рисунке 4.



Рисунок 4. Динамика изменения депозитного портфеля TBC и Anorbank

Источник: составлено автором на основе данных из финансовой отчетности TBC Bank [12] <https://tbcbank.uz/ru/documents/shareholder>; Anorbank [13] <https://anorbank.uz/about/investors/financial-data/>

График демонстрирует, что динамика изменения депозитов в рассматриваемом промежутке до 4-го квартала 2021 года не имела существенных различий, как и объемы депозитных портфелей. Однако в 1-м квартале 2022 года произошел разрыв – разница в объемах депозитных портфелей между Anor Bank и TBC увеличилась с 19% в 4-м кв. 2021 года до 39% в 1-кв. 2022 года в пользу Anor банка. В следующем, 2-м квартале 2022 года разница в объемах увеличилась до 64%, причем изменение депозитного портфеля TBC относительно предыдущего, 1-го квартала 2022 года практически незаметно (+1%), в отличие от Анора (+70%). Стабильный рост объема депозитного портфеля Anorbank на протяжении всего рассматриваемого периода наблюдается благодаря активной рекламной кампании, а также наиболее выгодным условиям по депозитам для физических лиц – в национальной валюте до 27% годовых, в долларах – до 7% годовых. TBC банк уступает Анорбанку в том, что у него нет возможности создания депозитов в иностранной валюте, что является существенным недостатком. Стоит отметить, что TBC также уступает Анору в доле юридических лиц в объеме всего депозитного портфеля – 1,23% юрлиц у TBC против 40,81% у Anor Bank по состоянию на декабрь 2022 года.

Что касается динамики изменения кредитного портфеля цифровых банков, то она довольно стабильна – наблюдается рост за весь рассматриваемый период (Рисунок 5).



Рисунок 5. Динамика изменения кредитного портфеля TBC и Anorbank

Источник: составлено автором на основе данных из финансовой отчетности TBC Bank [12] <https://tbcbank.uz/ru/documents/shareholder>; Anorbank [13] <https://anorbank.uz/about/investors/financial-data/>

Стабильная динамика роста объема кредитных портфелей банков обусловлена увеличением спроса на заемные средства, в частности, ростом потребительского кредитования и активизацией предпринимательства. При этом цифровые банки остаются ориентированными на физических лиц – доля юридических лиц в объеме кредитного портфеля составляет у TBC – 5,41%, у Анорбанка – 7,19%.

Заключение. Подводя итоги исследования можно отметить, что банковская отрасль Узбекистана развивается в ногу со временем – мировые тенденции технологического прогресса активно внедряются и расширяются, в частности, обзор цифровых банков Узбекистана показал, что данная ниша банков в настоящее время находится на стадии активного развития, что представляет большой интерес для экономики в силу их несомненных преимуществ. При этом отмечаются следующие проблемы:

1) Недоверие со стороны пользователей. Большая часть клиентов консервативна относительно выбора формы банкинга – многие отдают предпочтение традиционному обслуживанию, чувствуя при виде сотрудника безопасность и надежность.

2) Низкий уровень цифровой грамотности. Проблема актуальна главным образом для представителей старшего поколения, которые испытывают трудности в использовании мобильных приложений, а также не обладают знаниями об элементарных мерах цифровой безопасности.

3) Фактическое наличие лишь двух полноценных цифровых банков. Привлечение инвестиций для создания новых цифровых банков окажет

стимулирующее влияние на конкуренцию в банковской отрасли, как результат – повышение доступности и привлекательности услуг.

4) Небольшая доля юридических лиц в качестве клиентов цифровых банков. Фактически единственным цифровым банком, имеющим примерно равную долю физических (59,19%) и юридических лиц (40,81%) в объеме депозитного портфеля является Anor Bank. У ТВС дела обстоят менее успешно – юрлица сосавляют 1,23% всего объема дипозитного портфеля.

5) Необходимость в разработке и внедрении инновационных финтех-продуктов. В качестве примера можно привести цифровые деньги, криптовалюту и пр. При этом стоит отметить, что Капиталбанком совместно с криптобиржей UzNEX запущена первая криптовалютная карта, позволяющая автоматически конвертировать криптовалюту в валюту платежа [18].

Что нужно предпринять:

1) Активная агитация использования цифрового банкинга, а также улучшение технических возможностей и гарантий безопасности цифровых услуг. В целях защиты банков от кибератак и утечки данных обязательными являются наличие системы двухфакторной аутентификации и пр. Помимо этого необходимо внедрять и совершенствовать иные системы защиты, такие как биометрическая аутентификация, которая основана на создании модели биометрических данных человека, в совокупности

составляя систему многофакторной аутентификации с другими методами защиты.

2) Проведение информационных кампаний, обучение населения основам цифровых технологий. Необходимо менять мышление людей, проводя активную рекламную кампанию, при этом поясняя простым языком преимущества и особенности цифрового банкинга. Стоит также работать над интерфейсом мобильных приложений, делая их максимально простыми и понятными, с подсказками, голосовым помощником и наличием инструкции по использованию. Рекомендуется вводить онбординг, который рассказывает клиентам о новых возможностях, помогает выбрать продукт и снижает частотность обращений в поддержку.

3) Дальнейшая работа по привлечению технологий и передового опыта цифрового банкинга других стран. Важными аспектами привлечения технологий являются международное сотрудничество в области передового опыта, конкурентоспособность рынка (инвесторы заинтересованы в странах и регионах с перспективным рынком и потенциалом роста) и стимулирующие методы со стороны государства (льготы и стимулирующие программы).

4) В целях увеличения доли юридических лиц необходима разработка выгодных и удобных банковских продуктов для бизнеса. Необходимо расширять функционал мобильных приложений и перечень банковских услуг.

Источники и литература

1. Указ Президента Республики Узбекистан, от 05.10.2020 г. № УП-6079 «Об утверждении стратегии «Цифровой Узбекистан-2030» и мерах по ее эффективной реализации».
2. Анохина А.А. Цифровизация банковских услуг / А.А. Анохина, Е.Н. Донская // Актуальные проблемы современности: наука и общество. -2021. – № 2 (31). – С. 30-33.
3. Казанская Е.А. Инновации в банковской сфере // Молодой ученый. – 2016. – №15. – С. 297–301.
4. Маркова В.Д. Цифровая экономика: учебник. – М.: ИНФРА-М, 2018 – 156 с.
5. Рябичева О.И. Цифровизация розничных банковских услуг на современном этапе // Журнал прикладных исследований. – 2019. – № 9. – С. 896-904. [Электронный ресурс] URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/tsifrovizatsiya-rozничnyh-bankovskih-uslug-v-rossiyskoy-federatsii-na-sovremennom-etape/viewer> (Дата обращения: 20.07.2023).
6. Самочетова Н.В. Цифровой банкинг как новое направление развития банковского дела. // Экономика и социум. – 2017. - №3(34). – С. 1742-1747. [Электронный ресурс] URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/tsifrovoy-banking-kak-novoe-napravlenie-razvitiya-bankovskogo-dela/viewer> (Дата обращения: 22.07.2023).
7. Фомичёва Т.В., Катаева В.И. Ценности россиян в контексте цифровизации российской экономики // Уровень жизни населения регионов России. 2019. № 2. С. 80–84 [Электронный ресурс] URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/tsennosti-rossiyan-v-kontekste-tsifrovizatsii-rossiyskoy-ekonomiki>
8. Швецов Ю.Г. Цифровой банк: проблемы и перспективы // Налоги и финансы. – 2019. – № 4. – С. 15-25. [Электронный ресурс] URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/chebzev-yu-g-cifrovoy-bank-problemy-i-perspektivy-viewer> (Дата обращения: 20.07.2023).

тронный ресурс] URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/tsifrovoy-bank-problemy-i-perspektivy/viewer> (Дата обращения: 20.07.2023).

9. Особенности функционирования цифровых банков [Электронный ресурс] URL: https://regionrel.ru/novosti/novosti/osobennosti_funktzionirovaniya_tsifrovyykh_bankov/ (Дата обращения: 23.07.2023).

10. Что такое Big data: собрали всё самое важное о больших данных. [Электронный ресурс] URL: <https://rb.ru/howto/chto-takoe-big-data/> (Дата обращения: 23.07.2023).

11. Сообщение ЦБ от 29 июля 2022 г. [Электронный ресурс] URL: https://cbu.uz/ru/press_center/news/672707/ (Дата обращения: 26.07.2023).

12. TBC Bank [Электронный ресурс] URL: <https://tbcbank.uz/ru/documents/shareholder> (Дата обращения: 24.07.2023).

13. Anorbank [Электронный ресурс] URL: <https://anorbank.uz/about/investors/financial-data/> (Дата обращения: 24.07.2023).

14. Uzum Bank [Электронный ресурс] URL: <https://uzumbank.uz/> (Дата обращения: 24.07.2023).

15. АКБ «Капиталбанк» станет частью экосистемы Uzum [Электронный ресурс] URL: https://www.kapitalbank.uz/ru/press_center/news/akk-kapitalbank-stanet-chastyu-ekosistemy-uzum/ (Дата обращения: 24.07.2023).

16. Количество пользователей систем дистанционного банковского обслуживания на 1 июля 2023 г. [Электронный ресурс] URL: <https://cbu.uz/ru/statistics/paysistem/1222371/> (Дата обращения: 24.07.2023).

17. Единый портал корпоративной информации Министерства экономики и финансов [Электронный ресурс] URL: <https://openinfo.uz/ru/> (Дата обращения: 23.07.2023).

18. Сведения об основных показателях коммерческих банков по состоянию на 1 июня 2023 года - Центральный банк Республики Узбекистан [Электронный ресурс] URL: <https://cbu.uz/ru/statistics/bankstats/1146182/> (Дата обращения: 27.07.2023).

19. «Капиталбанк» и криптобиржа UzNEX запустили первую в Узбекистане криптовалютную карту [Электронный ресурс] URL: <https://www.spot.uz/ru/2023/08/17/kapitalbank/> (Дата обращения: 2.08.2023).

20. What Is Digital Banking? [Электронный ресурс] URL: <https://www.forbes.com/advisor/banking/what-is-digital-banking/> (Дата обращения: 22.07.2023).

21. Digital transformation: About digital banks. [Электронный ресурс] URL: <https://www.soprabanking.com/insights/what-is-digital-banking/> (Дата обращения: 22.07.2023).

22. Gartner IT, 2022. Glossary Gartner [Электронный ресурс] URL: <https://www.gartner.com/en/glossary>

**Sanoat, agrar va hududiy iqtisodiyot / Промышленность, сельское хозяйство и
региональная экономика / Industry, agriculture, and regional economy**

УЎК: 332.1.338.43.(575.1)

Азимжон ХОЛОВ,
*Сирдарё вилояти олий таълим, фан
ва инновациялар бошқармаси шўъба мудири,
E-mail: azimjon.kholov@gmail.com*

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Аннотация: ушибу тадқиқотнинг мақсади Сирдарё вилоятининг иқтисодий салоҳиятини ривожлантириш учун драйвер соҳаларини 3 та Shift-Share, жойлашув кўрсаткичи (LQ) ва ўсиши нисбати модели (GRM) каби таҳлиллар асосида аниқлашга қаратилган. Мазкур тадқиқотда фойдаланилган маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг ялпиички маҳсулоти (ЯИМ) ва Сирдарё вилоятининг ялпи ҳудудий маҳсулоти (ЯҲМ) тўғрисидаги 2013 йилдан 2023 йилгача бўлган ўн бир йиллик даврдаги очиқ маълумотлар базаси асосида таҳлил қилинди. Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги очиқ маълумотлар базасидан олинган.

Калит сўзлар: иқтисодий потенциал, силжии улуши, жойлашув коэффициенти (LQ), ўсиши нисбати модели (GRM).

АНАЛИЗ ЭКОНОМИЧЕСКОГО ПОТЕНЦИАЛА СЫРДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ

Азимжон ХОЛОВ,
*Заведующий филиалом департамента
высшего образования, науки и инноваций
Сырдарьинской области*

Аннотация: целию данного исследования является определение движущих сил развития экономического потенциала Сырдарьинской области на основе 3 таких анализов, как «Shift-Share», «Индикатор местоположения» (LQ) и «Модель коэффициента роста» (GRM). Данные, использованные в данном исследовании, представляют собой данные о валовом внутреннем продукте (ВВП) Республи-

ки Узбекистан и валовом региональном продукте (ВРП) Сырдарьинской области за одиннадцатилетний период с 2013 по 2023 годы. Данные получены из открытой базы данных Агентства статистике при Президенте Республики Узбекистан.

Ключевые слова: экономический потенциал, коэффициент перемещения, коэффициент местоположения (LQ), модель коэффициента роста (GRM).

ANALYSIS OF THE ECONOMIC POTENTIAL OF SYRDARYA REGION

Azimjon KHOLOV,
*Branch manager of the higher education,
science and innovation department
of Syrdarya region*

Abstract: the purpose of this study is to determine the driving forces for the development of the economic potential of the Syrdarya region based on analyzes such as 3 Change-Share, Location Indicator (LQ) and Growth Ratio Model (GRM). The data used in this study is data on the GDP (gross domestic product) of the Republic of Uzbekistan and the GRDP (gross regional domestic product) of the Syrdarya region for the eleven-year period from 2013 to 2023. The data was obtained from the open database of the Agency for Statistics under the President of the Republic of Uzbekistan.

Keywords. economic Potential, Shift-Share, Location Quotient (LQ), Growth Ratio Model (GRM).

Кириш. Умум қабул қилинган нуқтаи назарга кўра, худуднинг иқтисодий салоҳияти ва унинг им-

кониятлари у ерда мавжуд бўлган барча мажмуавий ресурслардан самарали фойдаланиш орқали ҳаётий зарур бўлган неъматларни ишлаб чиқариш билан белгиланади [1]. Шундай экан худуднинг иқтисодий салоҳияти деганда у ерда мавжуд бўлган тизимий элементлар, яъни ишлаб чиқариш фондлари, меҳнат ресурслари назарда тутилади ва иқтисодий салоҳият эса маъмурӣ-иқтисодий худуднинг иқтисодий (бозорли) имкониятини юзага келтиради. Бу ерда худуд неоклассик назарияга кўра стационар мувозанатни таъминлашга хизмат қиласидан бўғин сифатида бўлиб, иқтисодий салоҳиятнинг ривожланишини эса ишлаб чиқариш омиллари (ер, меҳнат, капитал, тадбиркорлик қобилияти) таъминлайди [2].

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида иқтисодий соҳада туб ўзгаришлар натижасида мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ)да сезиларли ўсиш кузатилди. Ривожланиш деганда мамлакат ялпи ички маҳсулотининг (ЯИМ) доимий ўсиши тушунилади. Минтақанинг ривожланиши вилоятнинг ЯҲМини ўз ичига олади. Минтақавий иқтисодий ривожланиш – бу маҳаллий ҳокимият органлари ва жамиятнинг барча таркибий қисмлари турли хил мавжуд ресурсларни бошқариш ва янги иш ўринларини яратиш ва минтақада иқтисодий фаолиятни ривожлантиришни рағбатлантириш учун ҳамкорлик моделини шакллантириш жараёнидир. Минтақалар ўртасидаги ривожланиш муваффақиятининг ўлчовлари сифатида улар ўртасида иқтисодий ўсиш, иқтисодий тузилма ва аҳоли ўртасидаги, худудлар ва секторлар ўртасидаги даромадлар тенгислизидан кўриш мумкин [3].

Минтақанинг иқтисодий ўсишини белгиловчи асосий омил бу – минтақадан ташқарида товарлар ва хизматларга бўлган талаб, маҳаллий ресурслар орқали минтақа бойлигини яратишидир. Чунки ушбу соҳа минтақада янги иш ўринларини яратиш имкониятларига эгадир [4].

Албатта, худуд салоҳияти – худуднинг таркибий элементларини юзага келтирувчи салоҳиятлар тизимидан иборат. **У ялпи иқтисодий салоҳият дея эътироф этиладиган:** табиий-ашёвий, моддий, инновацион-инвестицион, илмий – техникавий, институционал ва инсоний салоҳиятларнинг йиғиндисидан ташкил топади. Худуднинг салоҳияти ушбу худуднинг ривожланиши учун бош омиллардан биридир.

Шу билан бир қаторда, худудий ривожланиш муваффақиятини белгиловчи муҳим омиллардан бири

– бу режалаштириш жараёнидир, чунки иқтисодий ривожланишни факат бозор механизми билан ҳал қилиб бўлмайди. Режалаштиришни келажакда муйян мақсадларга эришиш учун ресурслардан турли хил муқобил фойдаланишни танлаш бўйича қарорларни ўз ичига олган узлуксиз жараён сифатида таърифлаш мумкин.

Индонезиялик иқтисодчи олим Т.Видодо “иқтисодий секторни ривожлантириш бўйича режалаштириш фаолияти минтақа иқтисодиётининг етакчи тармоқлари ёки салоҳиятини аниқлашдан бошланганлиги”ни таъкидлайди [5]. Иқтисодий ривожланишни режалаштириш сиёсати турли стратегияларни белгилаш учун асос сифатида статистик маълумотларни талаб қиласи, шунинг учун ривожланиш мақсадларига мос равишда эришиш мумкин. Потенциал худудий иқтисодий фаолиятни аниқлашда иккита асосий омилни ҳисобга олиш керак. **Биринчидан**, етакчи иқтисодий тармоқ ёки сўнгги бир неча йил ичидаги рақобатбардошлик эга бўлган ва келажакдаги иқтисодий сектор истиқболини аниқлаш муҳим. **Иккинчидан**, иқтисодий секторнинг ҳозирги вақтда рақобатбардошлик даражаси яхши бўлмаса-да, келажакда ривожлантириш салоҳияти борлигини аниқлаш. Минтақавий иқтисодий фаолият имкониятларини аниқлаш орқали иқтисодий ўсишни оширишга қаратилган саъй-ҳаракатлар асосида ривожланиш сиёсатини ишлаб чиқиш мумкин.

Сирдарё вилоятида иқтисодий фаолиятнинг самарадорлиги ва салоҳиятини билиш орқали амалга оширилган ривожланиш кўрсаткичларини баҳолаш ва келгуси йилларда минтақавий ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишида мазкур драйверларидан фойдалишини устувор вазифаси сифатида қараш мақсад қилинган.

Умуман олганда, иқтисодий ривожланиш сиёсати бу – кенг маънода жамият фаровонлигини оширишга қаратилган сиёсатидир. Иқтисодий ўсиш бўлса, иқтисодий ривожланиш ортади, дейилади. Минтақада реал ялпи худудий маҳсулот (ЯҲМ) ўсиши кузатилса, минтақада иқтисодий ўсиш кузатилади. Иқтисодий ривожланиш эса иқтисодий ўсишнинг натижасидир. Иқтисодчи олим Л.Арсяндининг фикри билан айтганда “Агар иқтисодий ўсиш суръати манфий бўлса, бу иқтисодий фаолиятнинг пасайишини ва аксинча, иқтисодий ўсиш суръати ижобий бўлса, бу иқтисодий фаолиятнинг ўсишини англатади [6].

Америкалик олим М.П.Тодаро фикрича – иқтисодий ўсиш жараёни юқори таркибий ва тармоқ ўзгаришлари билан яқин алоқада эканлигини таъкидлайди. Баъзи ўзгаришларда асосий таркибий қисмлар қишлоқ хўжалиги фаолиятини қишлоқ хўжалигидан ташқари соҳага ва саноат соҳасидан хизмат кўрсатиш соҳасига босқичма-боскич ўтказишни ўз ичига олади [7]. Маълумотларга кўра, марказий ўринлар назарияси турли мамлакатларда кенг қўлланиладиган минтақавий сиёсатнинг асоси ва стратегиясига айланадиган назариядир. Асосан, ўсишнинг ядролари:

Биринчидан, ривожланиш жараёнида етакчи саноат (*L'Industrie Matrice*) пайдо бўлади, бу минтақа ривожланишида асосий ҳаракатлантирувчи саноатдир. Тармоқлар орасидаги алоқалар жуда яқин, шунинг учун ҳам етакчи тармоқларнинг ривожланиши шу етакчи тармоқлар билан чамбарчас боғлиқ бўлган бошқа тармоқларнинг ривожланишига таъсир қиласди.

Иккинчидан, минтақада саноатнинг концентрацияси иқтисодий ўсишни тезлаштиради, чунки саноатнинг концентрацияси худудлар ўртасида турли хил истеъмол моделини яратади, шунинг учун минтақада саноатнинг ривожланиши бошқа худудларнинг ривожланишига таъсир қиласди.

Учинчидан, иқтисодиёт нисбатан фаол саноат тизимларининг (етакчи тармоқлар) пассив тармоқлар билан биримасидир, улар факат етакчи тармоқларга боғлиқ бўлган тармоқлар ёки нисбатан ривожланган худудлардаги ўсиш марказлари яхши ривожланмаган худудларга таъсир қиласди.

Асосий қисм. Ушбу тадқиқотда фойдаланилган маълумотлар 2013 йилдан 2023 йилгача бўлган, 11 йил давомидаги иккиласи маълумотлардир. Маълумотлар манбалари расмий давлат муассасаларининг жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Статистика агентлиги очик маълумотлар базасидан олинган. Ушбу тадқиқотда фойдаланилган маълумотларни йиғиш усули кутубхона тадқиқоти ёндашуви орқали амалга оширилди; бу кутубхона маълумотларини тўплаш, тадқиқот материаларини ўқиши, ёзіб олиш ва қайта ишлаш усули билан боғлиқ бир қатор тадбирлардир [8]. Бунинг учун тадқиқотчи маълумотларни тўплайди ва кейин ушбу тадқиқотга тегишли бўлган китобларни ёки бошқа ўқиши манбаларини таҳлил қиласди.

1) Shift-share таҳлили

Иқтисодиётчи олим П.Сойпононинг Shift-Share таҳлилига кўра: ўсишни минтақадаги ўзгарувчиларнинг ўзгариши (D) сифатида ажратади, масалан, даромад ёки ишлаб чиқариш маълум вақт оралиғида вилоят иқтисодий ўсишига таъсир қиласди (N), саноат аралашмаси (M) ва рақобатдош устунлик (C), ё минтақадаги і секторни таҳлил қилиш учун математик тарзда қўйидагича шакллантирилади [9]:

$$D_{ij} = N_{ij} + M_{ij} + C_{ij}$$

бу ерда:

$$D_{ij} = j \text{ минтақада ЯҲМ ўзгарувчиси } i \text{ ўзгариши},$$

$N_{ij} = E_{ij}.rn$ (j минтақадаги вилоят секторининг ўсиши i),

$M_{ij} = E_{ij}.(rin-rn)$ (j минтақадаги i тармоқ саноат аралашмаси),

$C_{ij} = E_{ij}.(rij-rin)$ (j минтақадаги i секторнинг рақобатдош устунлиги).

Тенгламада rij j секторидаги ўсиш суръатини ифодалайди, rin мос минтақадаги i секторидаги ўсиш суръатини, rn – этапон минтақадаги иқтисодий ўсишини ифодалайди, уларни қўйидагича ифодалаш мумкин:

$$rij = (E^{*ij} - E_{ij}) / E_{ij}$$

$$rin = (E^{*in} - Ein) / Ein$$

$$rn = (E^{*n} - En) / En$$

бу ерда:

Eij = ўрганилаётган j минтақадаги і секторга қўшилган қиймат,

Ein = танланган минтақадаги і секторига қўшилган қиймат,

En = танланган минтақадаги иқтисодий ўсиш.

Хисобот йили ва (*) устун белгиси бўйича ўлчанган барча ўзгарувчилар таҳлил қилинган якуний йилдаги иқтисодий ўсишни кўрсатади. Минтақа учун миллий ёки вилоят ўсиши, саноат аралашмаси ва рақобатбардош устунлик сектор учун аниқланиши ёки умуман барча секторлар учун қўшилиши мумкин. Муайян худуддаги (ј минтақаси) муайян сектор (і сектор) учун Shift Share тенгламаси:

$$D_{ij} = E_{ij}(r_n) + E_{ij}(r_{in} - r_n) + E_{ij}(r_{ij} - r_{in})$$

2) Жойлашув коэффициентини таҳлил қилиши (LQ)

Индонезиялик иқтисодчи олим Робинсон Тариган маълумотларига кўра, Жойлашув коэффициенти (LQ) таҳлили оддий кўрсаткич бўлиб, кенгрок минтақадаги бир хил секторга нисбатан минтақа-

даги катта ва кичик секторларнинг “кучлилиги-ни” кўрсатади. Секторнинг **LQ** қиймати қанчалик юкори бўлса, ушбу соҳани ривожлантиришда тегишли мінтақанинг рақобатдош устунлиги шунчалик юкори бўлади. **LQ** ни хисоблаш мінтақанинг бошқа мінтақалар билан қиёсий устунлигини тавсифлашга қаратилган [10]. **Асосий сектор ёки етакчи секторни аниқлашда қуйидаги формула қўлланилади:**

$$LQ = \frac{E_{ij}/E_j}{E_{in}/E_n}$$

бу ерда:

E_j = Сирдарё вилоятининг жойлашуви коэффициенти,

E_{ij} = Сирдарё вилоятининг ЯҲМдаги ўрганилаётган соҳанинг қиймати,

E_{in} = Сирдарё вилоятининг умумий ЯҲМ,

E_n = Ўзбекистон Республикасининг ЯИМдаги ўрганилаётган соҳанинг қиймати,

E_{ij} = Ўзбекистон Республикасининг умумий ЯИМи.

Бундан ташқари, Бендавид-Вал ва Кунсоро ихтинослашув даражасини қуйидаги мезонлар билан ўлчаши таъминлади [6]:

- $LQ > 1$ вилоят даражасидаги муайян секторнинг ихтинослашув даражаси Миллий даражадаги бир хил сектордан юкори эканлигини билдиради.

- $LQ = 1$ вилоят даражасидаги маълум бир секторнинг ихтинослашув даражаси Миллий даражадаги бир хил сектор билан бир хиллигини билдиради.

- $LQ < 1$ вилоят даражасидаги маълум бир секторнинг ихтинослашув даражаси Миллий даражадаги бир хил сектордан кичикроқ эканлигини билдиради.

3) Ўсиш нисбати модели

Мінтақанинг етакчи иқтисодий фаолиятини аниқлашда бир нечта таҳлилий воситалардан фойдаланиш ёқланган. Шу сабабли, ушбу тадқиқотда етакчи иқтисодиёт тармоқларини таҳлил қилиш учун ўсиш нисбати модели (GRM) ишлатилган.

Ўсиш нисбати модели таҳлилини шакллантириш учун қуйидагилар керак:

- эълон қилинган худуднинг ўсиш коэффициенти – бу i секторнинг ўсиш суръати ва маълумот мінтақасидаги фаолликнинг умумий ўсиш суръати (ЯҲМ) ўртасидаги нисбат қуйидаги формула билан ифодаланади:

$$RPr = \frac{\Delta E_{ir}/E_{ir(t)}}{\Delta E_r/E_{r(t)}}$$

Бу ерда:

RPr = Ўзбекистоннинг ўсиш коэффициенти,

ΔE_{ir} = Таҳлил йилида i секторда Ўзбекистон ЯИМдаги ўзгаришлар,

$E_{ir(t)}$ = Ўрганиш даврининг дастлабки йилида i секторидаги Ўзбекистон ЯИМ,

ΔE_r = Таҳлил йилида i секторидаги Ўзбекистон ЯИМдаги ўзгаришлар,

$E_r(t)$ = ўрганиш даврининг дастлабки йилидаги Ўзбекистон ЯИМ.

Ўрганилаётган худуднинг ўсиш коэффициенти Сирдарё вилоятидаги i секторининг ўсиш суръати ўртасидаги нисбатдир. **Мутахассис мінтақадаги бир хил секторнинг ўсиш суръатини ушбу формула билан ифодалайди:**

$$RPr = \frac{\Delta E_{ij}/E_{ij(t)}}{\Delta E_{ir}/E_{ir(t)}},$$

бу ерда:

RPr = Сирдарё вилоятининг ўсиш нисбати,

ΔE_{ij} = Таҳлил йилида i секторидаги Сирдарё вилояти ЯҲМдаги ўзгаришлар,

$E_{ij(t)}$ = Ўрганиш даврининг дастлабки йилида ўрганиш даврининг i секторидаги Сирдарё вилояти ЯҲМ,

ΔE_{ir} = Таҳлил йилида i секторда Ўзбекистон ЯИМдаги ўзгаришлар,

$E_{ir}(t)$ = ўрганиш даврининг дастлабки йилидаги Ўзбекистон ЯИМ.

Тадқиқот мақсадларидан келиб чиқиб, ушбу тадқиқотда олинган маълумотлар қуйидаги таҳлил воситалари билан таҳлил килинди:

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ривожланиши билан солиштирганда Сирдарё вилоятининг иқтисодий салоҳиятини оширишда ривожланаётган тармоқлар ҳақида умумий маълумот беришда Shift-share таҳлил воситаларидан фойдаланилади. Shift-share таҳлили натижаларини қуйидаги жадвалда кўриш мумкин.

**Секторнинг LQ қиймати
қанчалик юкори бўлса, ушбу
соҳани ривожлантиришда
тегишли мінтақанинг рақобатдош
устунлиги шунчалик юкори
бўлади.**

1-жадвал**Сирдарё вилоятида 2013-2023 йиллардаги Shift-share хисоблаш натижалари (сўм хисобида)**

№	Соҳа	$Nij = Eij^*rn$	$Mij = Eij^*(rin rn)$	$Cij = Eij^*(rij rin)$	$Dij = Nij + Mij + Cij$
1.	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат) ларининг ҳажми	16500,6	84861,1	(-1879,4)	99482,3
2.	Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	16,6	85,7	70,7	173,0
3.	Ишлаб чиқардиган саноат	6936,5	47401,8	(-244,5)	54093,8
4.	Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	4832,3	31000,8	560,9	36394,0
5.	Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқинидиларни йиғиши ва утилизация қилиш	27,7	196,4	23,4	247,5
6.	Қурилиш ишлари	1916,2	14551,5	1214,3	17682,0
7.	Чакана савдо товар айланмаси, овқатланиш ташкилотларини кўшган ҳолда, барча савдо тармоқларида сотиш	4937,5	23582,2	595,0	29114,7
8.	Транспорт хизматлари	1105,8	4728,0	(-190,4)	5643,4
9.	Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	26,9	809,8	50,7	887,5
10.	Аҳборот ва алока соҳасидаги хизматлар	442,1	3357,2	(-269,6)	3529,7
11.	Молия хизматлари	595,1	10817,8	139,4	11552,4
12.	Кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	143,3	841,5	(-6,3)	978,4
13.	Ижара ва лизинг бўйича хизматлар	97,4	526,4	(-6,7)	617,1
14.	Таълим соҳасидаги хизматлар	158,0	1641,0	(-57,7)	1741,2
15.	Соғликни сақлаша соҳасидаги хизматлар	60,6	700,9	11,6	773,2
16.	Бошқа хизматлар	154,9	1484,4	100,8	1740,1
Жами		37951,6	226586,9	112,2	264650,3

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридан Статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси (<https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/industry-2>).

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибди-ки, 2013-2023 йилларда Сирдарё вилоятининг иқтисодиёти 264650,3 млрд. сўмга ошган. Сир-дарё вилоятида иқтисодий кўрсаткичларнинг ўсишини иқтисодий фаолиятнинг 16 (ён олти) секторидан кўриш мумкин, улар ижобийдир. Сирдарё вилоятида иқтисодий ўсиш Ўзбекистон Республикасининг саноат аралашмаси ва рако-батбардош устунлик таъсиридан келиб чиқади. Батафсил маълумот қўйидагичадир:

Ўзбекистондаги иқтисодий ўсиш таъсири (Nij).

Ўзбекистондаги (Nij) иқтисодий ўсишнинг Сир-дарё вилоятидаги иқтисодиётiga таъсири 37951,6 миллиард сўмга ижобий бўлди. Сирдарё вилоятининг иқтисодий соҳалардаги ўсишини вилоят даражасидаги бир хил иқтисодий секторнинг нисбий ўсиш суръати билан таққослаганда, ўртача хисобда вилоят даражасидаги иқтисодиёт соҳалари миллий даражадаги тармоқлардан нисбатан юқори эканлигини кўрсатади.

Саноат аралашмасининг таъсири (Mij).

Саноат аралашмасининг таъсири (Mij)нинг уму-мий йифиндисида 226586,9 млрд. сўмга ўзгариш бўлган. Саноат мажмуаси томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотга қараганда, иқтисодиётнинг ак-сарият тармоқлари ижобий ва салбий таъсир кўрсатади. Ижобий таъсирлар, ишлаб чиқариладиган саноат, қурилиш, молия хизматлари, электр, газ, буғ билан таъминлаш ҳамда ҳавони кондициялаш ва бошқа соҳаларда содир бўлмоқда. Ушбу ижобий қиймат умумий иқтисодий сектор ўсишидан тезроқ ўсиш суръатига эга.

Рақобат устунлигининг таъсири (Cij).

Ҳар бир секторда рақобат устунлиги (Cij)нинг салбий таъсири 112,2 млрд. сўмга салбий хисса кўшди. Жумладан, рақобатбардошликтининг яхши даражасини кўрсатувчи иқтисодий соҳа электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш, қурилиш, чакана савдо товар айланмаси, овқатла-ниш ташкилотларини кўшган ҳолда, барча савдо

тармоқларида сотиш кабилар ҳисобига ўсиш кутилилган бўлса, ракоатбардошлиқ пасайиши эса қишлоқ, ўрмон, балиқчилик хўжалиги, транспорт хизматлари, ахборот ва алоқа соҳасидаги хизматлар, таълим соҳасидаги хизматлар ва бошқаларда кузатилган.

Жойлашув коэффициенти (LQ – Location Quotient) таҳлили.

Иқтисодий соҳа истиқболли/драйвер ёки истиқболсизлигини Жойлашув коэффициентини таҳлил қилиш усули орқали аниқланади. Жойлашув коэффициенти таҳлил натижаларини қуидаги жадвал асосида кўришимиз мумкин:

2-жадвал

Сирдарё вилоятининг 2013-2023 йилларда жойлашув коэффициентини ҳисоблаш натижалари

Соҳа	Сирдарё вилоятининг LQ											Ўртacha	Изоҳ
	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022	2023		
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат) ларининг ҳажми	1,599	1,489	1,490	1,452	1,532	1,485	1,568	1,468	1,510	1,615	1,444	1,243	Базавий соҳа
Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш	0,012	0,015	0,013	0,032	0,015	0,020	0,028	0,110	0,073	0,080	0,066	0,039	Базавий бўлмаган
Ишлаб чиқарадиган саноат	0,660	0,687	0,708	0,784	0,705	0,649	0,572	0,514	0,550	0,572	0,654	0,516	Базавий бўлмаган
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	5,444	5,332	4,780	4,832	4,872	5,780	5,899	5,763	6,206	6,240	6,081	4,596	Базавий соҳа
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқинидиларни йиғиши ва утилизация қилиш	0,502	0,768	0,905	0,710	1,672	2,187	2,508	0,777	0,912	0,955	0,839	1,018	Базавий соҳа
Қурилиш ишлари	0,846	0,764	0,753	0,728	0,686	0,917	1,192	1,206	1,150	1,159	1,252	0,829	Базавий бўлмаган
Чакана савдо товар айланмаси, овқатланиш ташкилотларини кўшган холда, барча савдо тармоқларида сотиш	0,708	0,816	0,791	0,754	0,824	0,944	0,895	0,938	0,859	0,765	0,814	0,679	Базавий бўлмаган
Транспорт хизматлари	0,362	0,372	0,407	0,417	0,411	0,423	0,380	0,434	0,402	0,358	0,295	0,319	Базавий бўлмаган
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	0,307	0,385	0,364	0,438	0,496	0,466	0,586	0,589	0,502	0,512	0,429	0,391	Базавий бўлмаган
Ахборот ва алоқа соҳасидаги хизматлари	0,793	0,795	0,764	0,713	0,741	0,716	0,632	0,615	0,576	0,546	0,457	0,523	Базавий бўлмаган
Молия хизматлари	0,721	0,650	0,627	0,623	0,595	0,685	0,832	0,956	1,031	0,915	0,790	0,647	Базавий бўлмаган
Кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	0,549	0,552	0,551	0,505	0,549	0,542	0,508	0,603	0,659	0,652	0,537	0,463	Базавий бўлмаган
Ижара ва лизинг бўйича хизматлар	0,556	0,493	0,473	0,419	0,497	0,685	0,671	0,681	0,765	0,800	0,530	0,507	Базавий бўлмаган
Таълим соҳасидаги хизматлар	0,592	0,571	0,559	0,545	0,605	0,742	0,622	0,718	0,751	0,627	0,485	0,515	Базавий бўлмаган
Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	0,606	0,632	0,600	0,576	0,597	0,692	0,696	0,721	0,796	0,744	0,676	0,552	Базавий бўлмаган
Бошқа хизматлар	0,555	0,519	0,536	0,576	0,628	0,665	0,560	0,428	0,698	0,843	0,778	0,522	Базавий бўлмаган

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуриданги Статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси (<https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/industry-2>).

4.3. Ўсиш нисбати модели (GRM) таҳлили.

Ўсиш нисбати модели (ЎНМ) Shift-share моделининг модификацияси бўлиб, унда ЎНМ модели коэффициент рақами кўринишида ўсишни таъминлайди. Ўсиш нисбати модели таҳлили натижаларини қўйидаги 3-жадвалда кўриш мумкин.

3-жадвал

Сирдарё вилоятининг 2013-2023 йилларда ўсиш нисбати модели таҳлили натижалари

№	Соҳа	Ўсиш нисбати модели			
		RPr		RPs	
		R	N	R	N
1.	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат) ларининг ҳажми	0,862	-	0,779	-
2.	Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш	0,865	-	4,611	+
3.	Ишлаб чиқарадиган саноат	1,100	+	1,090	+
4.	Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	1,041	+	1,163	+
5.	Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йигиш ва утилизация қилиш	1,135	+	1,897	+
6.	Қурилиш ишлари	1,206	+	1,785	+
7.	Чакана савдо товар айланмаси, овқатланиш ташкилотларини қўшган ҳолда, барча савдо тармоқларида сотиш	0,811	-	0,932	-
8.	Транспорт хизматлари	0,741	-	0,604	-
9.	Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	4,360	+	6,094	+
10.	Ахборот ва алоқа соҳасидаги хизматлар	1,207	+	0,695	-
11.	Молия хизматлари	2,692	+	2,949	+
12.	Кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	0,965	-	0,945	-
13.	Ижара ва лизинг бўйича хизматлар	0,900	-	0,857	-
14.	Таълим соҳасидаги хизматлар	1,599	+	1,309	+
15.	Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	1,764	+	1,966	+
16.	Бошқа хизматлар	1,486	+	2,084	+

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

RPr ва *RPs* натижаларини бирлаштириш учун, кейин етакчи тармоқларни қўйидаги тўртта таснифга кўра Сирдарё вилоятидаги етакчи иқтисодий фаолиятни тасвирлаш мумкин:

Биринчи тасниф, бунда *RPr* (+) ва *RPs* (+) қиймати фаоллик мос ёзувлар минтақасида ҳам, ўрганилаётган минтақада ҳам яхши ва сезиларли ўсиш борлигини билдиради. 3-жадвалга назар ташлайдиган бўлсак, етакчи соҳалар ишлаб чиқарадиган саноат, сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йигиш ва утилизация қилиш, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, молия хизматлари, таълим соҳасидаги хизматлар, соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар ва бошқа хизматлар эканлигини кўрамиз.

Иккинчи тасниф, бунда *RPr* (+) ва *RPs* (-) қиймати мос ёзувлар минтақасидағи фаоллик сезиларли ўсиш борлигини англатади, аммо ўрганилаётган минтақада ўсиш сезиларли бўлмаган. 3-жадвалга назар ташлайдиган бўлсак, ушбу таснифда соҳалар мавжуд эмас.

Учинчи тасниф, бунда *RPr* (-) ва *RPs* (+) қиймати мос ёзувлар минтақасидағи фаоллик сезиларли ўсишга эга эмаслигини, аммо ўрганилаётган худудда ўсиш сезиларли эканлигини билдиради. 3-жадвалга назар ташлайдиган бўлсак, етакчи соҳалар тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш, чакана савдо товар айланмаси, овқатланиш ташкилотларини қўшган ҳолда, барча савдо тармоқлари-

да сотиш, кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар, ижара ва лизинг бўйича хизматлар эканини кўриш мумкин.

Тўртинчи тасниф, унда RPr (-) ва RPs (-) бу маълумот минтақасида ҳам, тадқиқотда ҳам фаоллик сезиларли даражада ўсмаганлигини англатади. З-жадвалга назар ташлайдиган бўлсак, булар ахборот ва алоқа соҳасидаги хизматлар, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари каби соҳалардир.

Хулоса ва таклифлар.

Мазкур таҳлилда шуни таъкидлаш керакки, ўрганилган 3 та таҳлил натижасида Сирдарё вилоятининг 2013–2023 йиллардаги драйверини аниқлаш, шу орқали минтақа иқтисодиётини ривожлантириш имконияти юзага келди.

Жумладан, Shift-Share таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, Сирдарё вилоятининг иқтисодиёти 2013–2023 йилларда 264650,3 млрд.сўмга ошиди. Бу бир неча омилларга боғлиқ бўлиб, булар Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ўсишининг 37951,6 миллиард сўмлик таъсири, Саноат аралашмасининг 226586,9 миллиард сўмлик таъсири ҳамда рақобатбардош устунликнинг 112,2 миллиард сўмга тенг таъсиридир.

Сирдарё вилоятида 2013–2023 йиллар давомида Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ)даги 16 та соҳаларнинг жойлашув коэффициенти (LQ) таҳлили шуни кўрсатдики, $LQ > 1$ бўйича фақатгина 9 та соҳа етакчи ёки драйвер соҳа эканлиги аниқланди. Булар тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш, ишлаб чиқарадиган саноат, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш, сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йифиш ва утилизация қилиш, қурилиш ишлари, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, молия хизматлари, таълим соҳасидаги хизматлар соҳаларидир.

**Shift-Share таҳлил
натижалари шуни
кўрсатадики, Сирдарё¹
вилоятининг иқтисодиёти
2013–2023 йилларда
264650,3 млрд.
сўмга ошиди.**

Ўсиш коэффициенти модели (GRM) таҳлили шуни кўрсатадики, RPr ва RPs комбинацияси асосида ўсишнинг доминант тармоқлари ишлаб чиқарадиган саноат, сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йифиш ва утилизация қилиш, яшаш ва овқатланиш бўйича, молия хизматлари, таълим соҳасидаги, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ва бошқа хизматлар.

Олинган тадқиқот натижаларига кўра, Сирдарё вилояти ҳокимлиги томонидан баъзи таклифлар кўриб чиқилиши мумкин:

Биринчидан, Сирдарё вилоятининг асосий драйвери қишлоқ хўжалиги (аграп) соҳа бўлганлигини инобатга олган ҳолда, қишлоқ хўжалиги, ўрмон ва балиқчилик соҳасида етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлаш натижасида қўшилган қиймат яратиш, минтақавий иқтисодиётнинг ривожланишида янада муваффақиятли бўлади. Шу сабабдан, ҳокимият етакчи ёки драйвер соҳаларни ривожлантириш орқали ўзининг иқтисодий салоҳиятидан келиб чиқсан ҳолда ривожланиш устуворликларини белгилаши керак.

Иккинчидан, Иқтисодий соҳалар ўртасидаги бўшликлар ва тенгсизликка ўйл кўймаслик учун Сирдарё вилояти ҳокимлиги аҳоли фаровонлигини юксалтириш учун етакчи ва драйвер соҳалардан фойдаланиши лозим. **Шу сабабдан, куйидаги ишларнинг амалга оширилиши мақсадга мувоғик**:

A) Драйвер соҳани янада ривожлантириши мақсадида ҳудуднинг инфратузилмаси, яъни йўллар, кўприклар, транспорт ва алоқа каби соҳаларни тақомиллаштириши;

B) Янги инвестицияларнинг пайдо бўлишини рагбатлантирадиган минтақавий сиёсатлар орқали қулай инвестиция муҳитини яратиш.

Мазкур соҳаларни ривожлантириш натижасида вилоят иқтисодиётида сезиларли ўзгариш бўлиши табиийдир.

Учинчидан, Сирдарё вилоятида иқтисодиётга ижобий таъсир кўрсатиш учун бандликни ошириш кутилаётган турли салоҳиятли соҳалар мавжуд. Улардан бири камбағалликни ва ишсизликни камайтиришдир. Камбағаллик ва ишсизликни енгиш учун тармоқ ёндашувидан ташқари, меҳнат талаб қиласидиган иқтисодий фаолиятни ошириш зарур қадамлардан бири ҳисобланади. Шу сабабдан, вилоятининг драйвер соҳасини ҳамда ортда қолаётган соҳаларни ривожлантириш орқали вилоятда янги иш ўринларини яратиш имкониятига эга бўлинади.

Манба ва адабиётлар

1. Акерман Е.Н., Михальчук А.А., Трифанов А.Ю. Типология регионов как инструмент соорганизации регионального развития // Вестник Том. гос. ун-та. Экономика. № 331. – С. 126-131.
2. Шлычков В.В. Экономические механизмы управления ресурсным потенциалом // Вестник экономики, права и социологии. № 2. 2007.
3. Arsyad, Lincoln. (2004). *Ekonomi Pembangunan, Edisi Keempat, STIE YKPN, Yogyakarta Badan Pusat Statistik Indonesia, Produk Domestik Bruto Indonesia Menurut Lapangan Usaha 2010-2017, BPS Indonesia.*
4. Boediono. (1999). *Teori Pertumbuhan Ekonomi, Edisi Pertama, Penerbit BPFE, Yogyakarta.*
5. Widodo, Tri. (2006). *Perencanaan Pembangunan: Aplikasi Komputer (Era Otonomi Daerah), Penerbit UPP STIM YKPN, Yogyakarta.*
6. Soepono, Prasetyo. (1993). *Shift-Share Analysis Development and Application, Journal of Economics and Business, No. 1 Tahun III: 43-54.*
7. Todaro, M.P. (2000). *Pembangunan Ekonomi di Dunia Ketiga, Edisi Ketujuh, Alih Bahasa Harris Munandar, Penerbit Airlangga, Jakarta.*
8. Zed, Mustika. (2004). *Metode Penelitian Kepustakaan, Penerbit Yayasan Obor Nasional, Jakarta.*
9. Soepono, Prasetyo. (1993). *Shift-Share Analysis Development and Application, Journal of Economics and Business, No. 1 Year III: 43-54.*
10. Tarigan, Robinson. (2007). *Regional Economics Theory and Applications, PT Bumi Aksara, Jakarta.*

Ijtimoiy masalalar, fan, ta'lif va kambag'allikni qisqartirish /
Социальные вопросы, наука, образование и сокращение бедности /
Social issues, science, education, and poverty reduction

УЎК: 330.59.(575.1)

Музффар АБДУРАХИМОВ,
PhD (иқтисодиёт фанлари бўйича),
Камбагалликни қисқартириши ва бандлик
вазирлигининг бўлим бошлиги,
E-mail: m_abdurahimov@list.ru

КАМБАГАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА БАНДЛИКНИ РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ МОЛИЯВИЙ ИНСТРУМЕНТ ВА МЕХАНИЗМЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: мақолада камбагалликни қисқартирувчи мавжуд молиявий инструментлар ва механизмларнинг илмий таҳлили амалга оширилиб, мазкур йўналишдаги хорижий илгор тажрибалар ўрганилган. Шунингдек, ижтимоий давлат концепцияси доирасида эҳтиёжманд оиласларнинг даромадларига нисбатан давлатнинг фискал сиёсати ва уларга давлатнинг ижтимоий ҳимоя сиёсати очиб берилган. Ўтказилган тадқиқотдаги назарий, амалий таҳлиллар натижасида илмий холосалар шакллантирилган ҳамда амалий тақлиф ва илмий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: камбагаллик, камбагалликни қисқартириши, камбагаллик даражаси, камбагаллик чегараси, молиявий инструмент, тадбиркорлик, бандлик.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ФИНАНСОВЫХ ИНСТРУМЕНТОВ И МЕХАНИЗМОВ ДЛЯ СОКРАЩЕНИЯ БЕДНОСТИ И СОДЕЙСТВИЯ ЗАНЯТОСТИ

Музффар АБДУРАХИМОВ,
PhD (по экономическим наукам),

Начальник отдела Министерства занятости
и сокращения бедности Республики Узбекистан

Аннотация: в статье проведен научный анализ существующих финансовых инструментов и механизмов сокращения бедности, а также изучен передовой зарубежный опыт в этой сфере. Также в

рамках концепции социального государства раскрывается налогово-бюджетная политика и политика социальной защиты государства в отношении доходов малообеспеченных семей. В результате теоретического и практического анализа проведенного исследования были сформированы научные выводы, соответственно разработаны практические предложения и научные рекомендации.

Ключевые слова: бедность, сокращение бедности, черта бедности, прожиточный минимум, финансовый инструмент, предпринимательство, занятость.

IMPROVING FINANCIAL INSTRUMENTS AND MECHANISMS TO REDUCE POVERTY AND PROMOTE EMPLOYMENT

Muzaffar ABDURAKHIMOV,
PhD (in Economics),
Head of Department of the Ministry of
Employment and Poverty Reduction

Abstract: the article provides a scientific analysis of existing financial instruments and mechanisms for poverty reduction, as well as examines advanced international experience in this field. In addition, within the framework of the concept of a social state, it elaborates on the tax-budget policy and the state's social protection policy regarding the incomes of low-income families. As a result of the theoretical and practical analysis of the conducted research,

scientific conclusions were drawn, practical proposals and scientific recommendations were developed accordingly.

Keywords: poverty, poverty reduction, poverty level, poverty line, financial instrument, entrepreneurship, employment.

Кириш. Жаҳон мамлакатлари аҳоли фаровонлигини таъминлаш ва камбағаллик даражасини қисқартириш бўйича турли хил молиявий инструментлардан фойдаланиш орқали ўз сиёсатларини олиб боришади. Бунда олиб борилган сиёсат натижасида дунё аҳолисининг камбағаллик даражаси 1980 йилларнинг бошида 47,0 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб мазкур кўрсаткич 8,0 фоизгача пасайган. Буни давлатларнинг камбағалликни қисқартириш борасида олиб борган самарали иқтисодий-ижтимоий сиёсати натижаси деб баҳолаш мумкин. Шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан Барқарор ривожланиш мақсадлари сифатида 2030 йилда дунё миқёсида камбағаллик даражасини 6,0 фоизгача тушириш мақсадли кўрсаткич этиб белгиланган [1,2].

Мамлакатимизда камбағаллик атамасига расмий таъриф бериш ва камбағал ким деган саволга, камбағалликни қисқартиришни амалга оширишда аҳолининг манзилли гуруҳига аниқлик киритиш мақсадида, 2021 йил 14 та халқаро эксперталар билан ҳамкорликда Минимал истеъмол харажатлари (кейинги ўринларда – МИХ) қийматини ҳисоблаш методологияси ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди.

Мазкур расмий услубиёт асосида олиб борилган кузатувлар ҳамда ҳисоб-китоблар натижасига кўра, мамлакатимизда камбағаллик даражаси 2022 йил бошидаги 17,0 фоиздан 2,9 фоизга қисқариб, 2023 йил бошида 14,1 фоизни ташкил этди. Шу билан биргалиқда, мамлакатимизда камбағаллик даражасини 2026 йилнинг якунига қадар 8,5 фоиз, шунингдек, 2030 йилга келиб 5,0 фоизгача тушириш стратегик мақсад сифатида белгиланган [3].

Бундай салмоқли натижаларга эришиш ортида олиб бориладиган фаол иқтисодий сиёсат туриши барчага маълум. 2022 йил 1 январдан бошлаб ҳар бир маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг ёрдамчиси лавозими таъсис этилди. Эҳтиёжманд аҳоли даромадини ошириш мақсадида

хонадонбай ўрганиш асосида ҳоким ёрдамчилари томонидан 36 та турдаги инструментлар, шундан 21 турдаги субсидиялар ва Оилавий тадбиркорлик дастури доирасида имтиёзли кредитлардан фойдаланилмоқда.

Адабиётлар шарҳи. Умумий олиб қаралганда илмий тадқиқотлар инсониятга хизмат қилишини иnobatga оладиган бўлсак, барча тадқиқот ишлари камбағалликни қисқартиришга оид десак ҳато бўлмайди. Шундай бўлсада, айнан камбағалликни қисқартириш, унга таъсир этувчи омиллар каби масалалар бўйича бир қатор маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Камбағаллик – инсоннинг ҳаёти давомида танлов ва имкониятларга эга бўлмаслиги, оиласини боқиши ва кийинтириши, таълим олиши ёки касалхонада даволаниши, бирор соҳада фаолият юритиши ёки даромад олишга имкон берадиган меҳнат қилиш имкониятининг чекланганлигига намоён бўлади [4]. Миллий конунчилигимизга кўра камбағаллик — аҳоли иқтисодий имкониятларининг ҳаёт кечириш учун зарур минимал эҳтиёжларини қондиришига етарли даражада бўлмаслиги ҳисобланади [5].

М.Калонов камбағалликни қисқартириш бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар ва натижалар бўйича олиб борган тадқиқотида иш ҳаки ва нафақаларни ошириш камбағаллик муаммосини ҳал этмаслигини, балки кам таъминланган аҳолининг таълим йўналишига сармоя киритиш самарали натижа беришини таъкидлайди [6].

Р.Хасанов камбағалликни қисқартириш мураккаб ва кўп қиррали вазифалиги, тўғридан тўғри пул бериш орқали уни қисқартириб бўлмаслиги ва ўз эҳтиёжларини қондириш учун одамларнинг ўзларининг фаол ҳаракатлари муҳимлигини таъкидлайди [7]. Ш.Мустафақулов эса, иқтисодий ўсиш орқали камбағалликни қисқартириш юкори самара беришини таъкидлайди [8].

Шунингдек, хорижий олимлардан A. Smith [9], P. Edward [10], E. Zuckerman [11], Narayan, Deepa and Nicholas Stern [12] ҳамда H. Kerbo [13] каби кўплаб олимлар томонидан оиланинг даромадларини ошириш ва камбағалликни қисқартириш каби масалалар бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Асосий қисм. Кредит, субсидия, ссуда, солик ҳамда сугурта камбағалликни қисқартиришда тадбиркорликни ва бандликни рағбатлантирувчи асосий молиявий инструментлар ҳисобланади.

Мамлакатимизда эҳтиёжманд оиласарнинг меҳнатга лаёкатли аъзоларини даромадли меҳнат билан банд қилиш, тадбиркорлик ташаббусларини ҳар томонлама кўллаб-куватлаш мақсадида Оиласавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари (кейинги ўринларда Дастур) учун ҳар йили давлат бюджетидан 13 трлн. сўм имтиёзли кредит ва 1,5 трлн. сўм субсидия маблағлари ажратилмоқда (1-жадвал).

Ушбу жадвалдан аҳоли тадбиркорлик ташаббусларини кўллаб-куватлаш мақсадида 442 мингдан ортиқ аҳолига оиласавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида 9,2 трлн. сўм ва эҳтиёж-

манд аҳолини даромадли меҳнат билан банд қилиш ҳамда ўзини ўзи банд қилиш мақсадида меҳнат қуроллари ва асбоб-ускуналар сотиб олишлари учун 58,2 минг аҳолига 276 млрд. сўм субсидия маблағлари берилганлигини кўришимиз мумкин. Бунинг натижасида 170 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектлари ташкил этилган.

Маълумки, 14,0 фоизли имтиёзли кредитларнинг 6,9 млрд. сўми аввалги берилган кредитларнинг сўндирилиши, 3,38 трлн. сўми Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда 2,72 трлн. сўми ваколатли банкларнинг ресурслари ҳисобидан ажратилади.

1-жадвал

2023 йилда аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, бандлигини таъминлаш учун ажратилган имтиёзли кредит ва субсидиялар тўғрисида МАЪЛУМОТ*

T/р	Худудлар	Оиласавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида ажратилган кредит		Ажратилган субсидиялар		Касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш сони	Ташкил этилган янги тадбиркорлик субъектлари сони		
		сони	суммаси, млрд сўм				Жами	Шундан,	ЯТТ
	Республика бўйича	442 198	9 198	58 281	275 914	160 677	170 619	90 242	80 973
1	Қорақалпогистон Р.	50 985	793	3786	18 675	14664	10577	4760	5817
2	Андижон вилояти	43 769	794	5757	38 603	5886	10338	6431	3907
3	Бухоро вилояти	35 650	882	3742	21 102	9 322	10403	5104	5299
4	Жizzах вилояти	31 086	513	3035	14 326	6 019	7789	3556	4233
5	Қашқадарё вилояти	37 439	829	5864	25 563	14 944	12524	6888	5636
6	Навоий вилояти	20 624	536	2128	9 251	6 540	5726	2174	3552
7	Наманган вилояти	9 910	253	3416	11 308	15 146	8999	5272	4323
8	Самарқанд вилояти	47 512	928	6 431	28 187	27341	18440	11230	7210
9	Сурхондарё вилояти	38 528	835	5327	20 449	14026	8332	4700	3632
10	Сирдарё вилояти	19 815	442	2151	12 144	10301	4812	2691	2121
11	Тошкент вилояти	30 063	744	2437	11 782	6959	15270	8817	6453
12	Фарғона вилояти	40 949	745	6475	27 593	12094	16296	8724	7572
13	Хоразм вилояти	32 911	828	4828	21 431	12055	10929	4931	5998
14	Тошкент шаҳри	2 957	76	2904	15 500	5380	30184	14964	15220

Манба: Маҳаллабай ишилаш ва тадбиркорликни ривожлантириши агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Демак, кредит тўловларининг ўз вақтида қайталиши янги тадбиркорлик ташаббусларининг кўллаб-куватланишига хизмат қилади. 2023 йил сентябрь ойи ҳолатига Дастурлар доирасидаги муаммоли кредитлар улуши 16,0 фоизни ташкил этади.

Тадқиқот натижаларига кўра, Дастурлар доирасида ажратилган муддати ўтган кредит карздор-

ликларини бартараф этишда рағбатлантирувчи механизмларни жорий этиш мақсадга мувофиқ. Ҳоким ёрдамчилари ва банк ўртасида ўзаро тузилган келишув шартномалари орқали банкларнинг кредит порфтелида муддати 90 кундан 180 кунгача ундирилмаган муаммоли кредит ва унинг фоизлари ҳоким ёрдамчилари томонидан ундирилганда, ундирилган сумманинг 3,0

фоизи, 180 кундан 365 кунгача муддати ўтган кредит карздорлик ундирилганда сумманинг 5,0 фоизи, 365 кундан ортиқ муддатларда ундирилмаган қарздорликлар ундирилганда, ундирилган сумманинг 10,0 фоизи микдорида кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлашни йўлга кўйиш мақсадга мувофиқ.

Берилган субсидияларнинг турлари бўйича таҳлил қилганимизда, ҳоким ёрдамчилари томонидан Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси маблағларидан 16 турдаги субсидиялар ажратилади (2-жадвал).

2-жадвал

Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармасидан ажратилган субсидиялар тўғрисида МАЪЛУМОТ

№	Ажратилган субсидияларнинг йўналишлари	Улуси, фоиз
1	Асобоб-ускуна, меҳнат қуролларини харид қилиш учун	60,0
2	Енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш учун	7,8
3	Кооперативлари устав фондига улуш сифатида киритиш учун	3,5
4	“Хунарманд” уюшмасига аъзолик бадали харажатлари учун	2,2
5	“Уста-шогирд” анъаналари асосида ёшларга хунар ўргатаётган хунармандларга (кулолларга) шогирдлар тайёрлаш, зарур ҳом ашё сотигб олиш ва шогирдларни иш ҳақи билан таъминлаш учун	0,5
6	Суғориш воситалари харид қилиш учун	0,4
7	Касб-хунарга ўқитиш марказларининг ўкув хоналарида ўқитиш қийин бўлган йўналишларда “уста-шогирд” анъаналари асосида хунар ўрганмоқчи бўлган ёшларга ёки хунар ўргатаётган усталарга шогирдлар тайёрлаш ёки шогирдларни иш ҳақи билан таъминлаш учун	0,1
8	Шогирдларга – мустакил фаолият бошлиши учун зарур асобоб-ускуна ва жиҳозларни сотигб олиш учун	0,0077
9	Усталарга – интернет сайтларини ташкил этиш, ўз маҳсулотларини жаҳон электрон савдо майдончаларига чиқариш ва реклама харажатлари учун	0,0015
10	Уруғликлар ва кўчатлар сотигб олиш учун	0,0003
Халқаро савдода гурухлашнинг кенг тарқалганидан уч гурух (погона)га бўлиш бўлиб, бунда 1-гурух (погона) асосий истеъмолдаги товарлар (қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва ундирувчи саноат маҳсулотлари бозори.

2-гурухга паст ва ўрта технологияли ишлаб чиқаришга асосланган маҳсулотлар бозори бўлиб,

унинг асосий қисмини ярим фабрикатлар ва меҳнат талаб маҳсулотлар ташкил этади.

Ҳар иккала гурух бозорлари жаҳон бозори умумий хажмининг 80 фоиздан ортиқ қисмини ташкил этади. Мамлакатлар ўртасида бу бозорда ўз ўрнига эга бўлишга интилиш кучли.

3-гурух юқори технологик маҳсулотлар бозори бўлиб, унда рақобат асосан ривожланган мамлакатлар ўртасида юз беради.

Агар жаҳон бозорини 5 погона сегментлардан иборат пирамида тарзида тасаввур қилсақ, унинг асосини хомашё товарлари ва ундирувчи саноатнинг дастлабки қайта ишланган маҳсулотлари, жумладан, истеъмол товарлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, ижтимоий ва майший соҳа маҳсулотлари эгаллайди. Бу бозорлар истеъмолчилар томонидан назорат қилинади. Сафарбарлик ва бекарорлик ҳамда юқори даражада стратегик рисклар хос бўлган бозорлардир.

2-погонадаги бозорлар нисбатан кам даражадаги унвал товарлар, технологиялар ва хизматлардан иборат бўлиб, бу бозорлар очиқ бозор ҳисобланади.

3-погонага ноёб истеъмол товарлари, мураккаб технологик ускуналар, юқори профессионал ва юқори малака талаб қилувчи хизматлар очиқ бозори киради.

4-погонада ноёб истеъмол товарлари, мураккаб технологик ускуналар, юқори профессионаллик ва юқори малака талаб қилувчи хизматлар очиқ бозори ҳамда юқори технологик товарларнинг «ноу-хау»-дан фойдаланиш ҳуқуқи берилган товарлар гурухи жойлашади. Уларни бошқалар ишлаб чиқаришига йўл қўйилмайди. Бу гурухлар (3 ва 4-погона) бозорларида асосий сотувчи субъектларни катта еттилик мамлакатларининг корпорациялари, фирма, корхоналари ташкил этади ва бозор маълум даражада чеклов ва тартибга солиш характерига эга. Бу иккала гурухда асосий сотувчи субъектларни "катта еттилик" мамлакатларининг корпорациялари, фирма, корхоналари ташкил этади ва бозор маълум даражада чеклов ва тартибга солиш характерига эга.

Юқори – 5-погонада бозорлар энг юқори технологияларга асосланган товарлар бозори бўлиб, бу маҳсулотларнинг бир қисми, жумладан, энг янги технологик принципларга асосланганлари жаҳон бозорларига чиқарилмайди. Улар трансмиллий корпорациялар (ТМК) томонидан устун даражада ички бозорда сотилади. Бу ТМКлар тижорий ва ташкилий жиҳатдан мувофиқ равишда хукумат ва

халқаро ташкилотлар томонидан назорат қилинади. Табиати жиҳатидан рентага ўхшаш ўта юқори фойда олишлари таъминланади.

1, 2-погона жаҳон бозорларида рақобатгардош товарлар ишлаб чиқарадиган барча мамлакатларнинг корхона, фирма, корпорациялари қатнашиши мумкин.

Тадқиқотчилар фикрига кўра бозор погонаси қанча юқори бўлса бозорни эгаллаш учун кучли рақобат кураши шунча кам. Шу билан бирга, ТМКлар ўзларининг шўйба корхоналари орқали мувофиқ равишдаги экспорт-импорт сиёсатлари билан ҳат-

то 1-погона бозорларида ҳам жаҳон миқёсида ҳам рақобатда, ҳам даромаднинг шаклланиши ва ўзлаштиришда фаол қатнашадилар.

Халқаро савдо таркибини ўрганишда кенг кўлланиладиган ёндашув уларни қандай эҳтиёжларни қондириши ва ўзига хос қатор сифат кўрсатичларига кўра статистик гуруҳлаш бўлиб, унинг асосида иқтисодий таҳлил амалга оширилади. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистоннинг тутган ўрнига баҳо бериш учун экспорт ва импортнинг таркибига диққат қаратамиз (2-жадвал):

2-жадвал

2000-2022 йилларда Ўзбекистоннинг экспорти ва импорти таркибининг ўзгариши, %

Экспорт таркиби			Импорт таркиби		
2000	2010	2022	2000	2010	2022
100,0	100,0	100,0	Жами	100,0	100,0
			Жумладан:		
27,8	12,1	0,1	Пахта толаси	-	-
2,8	5,1	7,4	Кимёвий маҳсулотлар ва улардан тайёрланган буюмлар	13,5	13,9
0,6	1,6	1,1	Қора металлар	7,8	7,1
5,2	5,2	7,5	Рангли металлар	0,7	0,9
10,3	22,4	6,3	Энергетика ва нефть маҳсулотлари	3,9	7,2
3,5	5,5	5,1	Машина ва асбоб-ускуналар	35,5	43,9
17,0	20,3	21,3	Олтин	-	-
5,8	9,9	9,4	Озиқ-овқат маҳсулотлари	12,5	10,5
13,7	10,3	20,8	Хизматлар	8,5	5,3
13,3	7,6	21,0	Бошқалар	17,8	11,2
					11,7

Манба: www.stat.uz. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридан Статистика агентлиги расмий ахборот сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Экспорт таркибининг тубдан ўзгариши 2010 йилдан бошланди. 2000 йилда пахта толаси экспортининг улуши 27,8% бўлса, 2010 йилга келиб, 12,1%га тушди. Кейинги йилларда янада камайиб бориб, 2022 йили 0,1 фоизни ташкил этди. Бу бир томондан, экин майдони таркибининг ўзгариши туфайли бўлса, иккинчи томондан хом ашё ўрнига тайёр маҳсулот экспорт қилишга ўтилаётганини кўрсатади. Шунингдек, кимёвий маҳсулотлар ва улардан тайёрланган буюмлар улуши ортди. Экспортни кўтариш мақсадида энергетика ва нефть маҳсулотлари экспортининг улуши деярли 2 баробар ортди. Натижада табиий ресурслар захираси кескин камайиб, унинг улуши 2020 йилда 5-8 %га тушди ва энди 2023 йилдан бошлаб Ўзбекистоннинг ўзи энергетика ва нефть маҳсулотларини импорт қилувчига айланди. Ҳозирда республикамизда олтин экспорти барқарор равищда ўсиб бормоқда,

энг юқори даража 2020 йили – жами экспортининг 38,4 фоизини ташкил этган. Озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти улуши 2000-2005 йилларга нисбатан кейинги йилларда 2 баробар ортди, 2000-2022 йиллар давомида озиқ-овқат маҳсулотлари экспортининг 2000 йили 39,1%ини қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари – сабзавот ва мевалар эгаллаган бўлса, 2010-2015 йиллари деярли 87-88 %ини, бошқа йиллари 62-68 фоиз атрофида ташкил этган. Импорт таркибига назар ташласақ, машина ва асбоб-ускуналар, кимёвий маҳсулотлар ва улардан тайёрланган буюмлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, қора металлар етакчи ўрин эгаллади.

Шундай қилиб, 2022 йил Ўзбекистон экспортида олтин -21,3%, хизматлар - 20,8%, озиқ-овқат маҳсулотлари - 9,4% (сабзавот ва мевалар озиқ-овқат маҳсулотлариниг деярли 2/3 қисмини ташкил этади), рангли металлар - 7,5%, кимёвий маҳсулотлар

– 7,4%, энергетика ва нефть маҳсулотлари – 6,3% ни ташкил этмоқда. Умуман олганда экспортнинг асосий қисмини табиий бойликлар ва жаҳон бозорининг 1, 2-погонасига кирувчи бошқа маҳсулотлар эгаллаб турибди.

Жадвал маълумотларида бизни сергаклантирадиган кўрсаткичлардан бири озиқ-овқат маҳсулотлари импортининг экспортга қараганда юқорилигидир. Экин майдонлари таркибида пахта кескин қисқаришига қарамай нега импорт миқдори юқорилигича қолмоқда? Демак, истиқбол учун унинг сабабини аниқлаб, зарур чора-тадбирлар кўришимиз керак.

Диккатимизни тортган иккинчи кўрсаткич ташқи савдо балансида хизматлар бўлиб, айнан унинг ўрни, таркиби, салоҳиятини ўрганиш, таҳлил

қилиш бизнинг рационал қарор қабул қилишимизга ёрдам беради.

3. Ўзбекистон халқаро савдосида хизматларнинг улуши ва таркибининг ўзгариши, салоҳияти ва истиқболи.

Ўзбекистон экспортида хизматлар улуши импортдаги улушга қараганда доимо юқори бўлган. 2010 йилдан бошлаб экспорт таркибида хизматлар 2000 йилга нисбатан деярли уч марта ортди, экспортда товарлар улушкининг ўсиши туфайли умумий таркибда кўринмаган бўлсада, кейинги йиллари барқарор ўсиши туфайли 2022 йилга келиб, умумий экспортнинг 21 фоизини ташкил этди.

Шу йиллар давомида хизматлар импортини таҳлил қиласидан бўлсақ, унинг ҳажми ва таркиби қўйидагича ўзгарган (3-жадвал).

3-жадвал

Ўзбекистон хизматлар импортининг таркибий динамикаси (млн. АҚШ доллари)

	Йиллар							Ўзгариш
	2000	2005	2010	2015	2020	2021	2022	
Хизматлар импорти	251,0	424,7	490,4	954,1	1221,4	1767,3	2547,5	10,15 марта
Қурилиш	6,1	32,5	2,1	21,5	107,2	135,6	75,7	12,4 марта
Транспорт	188,2	250,2	237,1	219,4	105,6	211,1	406,1	2,1 марта
Сафарлар (туризм)	1,2	1,0	75,8	352,1	442,5	886,9	1429,8	1191,5 м.
Бошқалар	55,6	141,1	175,4	360,8	506,1	533,7	635,8	11,4 марта

Манба: www.stat.uz. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридан Статистика агентлиги расмий ахборот сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибди, 2000 – 2022 йиллар мобайнида хизматлар импорти 10,15 марта ўсган. Бунда нисбатан қурилиш ва бошқа хизматлар ҳажми 12,4–11,4 мартадан ортиқ ўсган бўлса, сафарлар-туризм хизмати ҳайратлашарли даражада – 1191 мартадан ортиқ ўсган. Бунда, айнқса, мамлакатимиз аҳолисининг энг ихлос билан ижобат бўлишини орзу қилган зиёрат туризми туфайли шундай натижага эришилган. 2000

йили хизматлар таркибида қурилиш – 2,4 фоизни, транспорт энг катта – 75,5%, туризм атиги – 0,5%, қолганини бошқа турдаги хизматлар ташкил қиласа, 2022 йилга келиб, туризм – 56,1 %, транспорт – 15,9%, қурилиш – 3,0%, қолган 25%ини бошқа хизмат турлари ташкил этган.

Ўзбекистон иқтисодиётида хизматлар экспорти ва унинг таркибининг ўзгариши эса қўйидагича бўлган (4-жадвал):

4-жадвал

Ўзбекистон иқтисодиётида хизматлар экспортининг таркибий ўзгариши (млн. АҚШ доллари)

	Йиллар							Ўзгариш
	2000	2005	2010	2015	2020	2021	2022	
Хизматлар экспорти	449,1	659,3	1 335,5	3 061,3	2 005,0	2 581,7	4 017,8	8,9 марта
Қурилиш	0,7	8,2	23,7	77,6	42,3	14,6	9,8	14 марта
Транспорт	384,3	586,9	847,4	1465,9	1426,1	1744,1	1765,9	4,6 марта
Сафарлар (туризм)	33,8	23,6	273,3	1187,5	255,8	422,1	1609,8	47,6 марта
Бошқалар	30,3	40,7	191,2	330,3	280,8	400,9	632,4	20,9 марта

Манба: www.stat.uz. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридан Статистика агентлиги расмий ахборот сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, хизматлар ҳажмининг ўсиши товарлар экспортининг ҳажмига нисбатан деярли 9 марта юқори, лекин импортга нисбатан оркада. Шу йиллар давомида қурилиш 14 марта, транспорт хизматлари 4,6 марта, туризм 47,6 марта, бошқа хизматлар 20,9 марта ўсган. Натижада 2022 йилда қурилишнинг улуши хизматлар таркибида ўзгармагани ҳолда транспортнинг улуши 85,5 %дан 43,9 фоизга тушган, туризм эса 7,5 %дан 40,1%га ўсган. Шунингдек, бошқа хизматларнинг улуши ҳам 2 мартадан ортиқ ўсиб, 15,7%ни ташкил этган.

Ўзбекистон иқтисодиётида 2000 йилларда хизматларда экспорт-импорт нисбати 1,8 марта фарқ қилган бўлса, 2020 йилга келиб сал кам 1,6 мартани ташкил этди, яъни фарқ импорт фойдасига қисқарган. Натижада мувозанатга эришиш масаласи товарлар ҳажми нисбатини ҳам олганда янада долзарблашди.

Маълумки, экспортни ривожланишида давлатнинг энг муҳим роли уни қўллаб-кувватлаш учун қулай институционал муҳит яратиш ҳамда рағбатлантириш учун чора-тадбирлар белгилаш, шунингдек, техник ва молиявий ресурсларнинг тақсимоти орқали ёрдам кўрсатишидир. Мамлакатимизда бу муаммонинг ечимида муҳим тўғри йўл туризмни ривожлантириш эканлигини ҳисобга олган ҳолда дикқат туризмни ривожлантиришга қаратилди.

Қатор хорижий ва республикамиз тадқиқотчилари экспорт таркибини қўшилган қиймат улуши юқори бўлган инновацион, билим талаб қиласидиган маҳсулотларни экспорт қилиш, импортни эса энергия ва хом ашё истеъмолини кам талаб қиласидиган, қисқартирадиган маҳсулотларга кўчириш керак. Бунинг учун иқтисодиётни жадал модернизациялаш, жумладан, энергия, хом ашё, бутловчи қисмлар, компонентларни кам талаб қилувчи маҳсулотлар томон ўзгартириш керак, деган таклифлар беришган. Тўғри, лекин туризм қатор афзалликлари билан айнан бизнинг иқтисодиётимиз тараққиётининг драйвери, локомотиви бўла олади. Буни Осиёдаги қатор давлатлар мамлакатнинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиб тўғри стратегия танлаганларини улар эришган натижалар ҳам тасдиқлайди.

Ҳозирда туризм кўплаб мамлакатлар иқтисодиётининг жадал ривожланаётгган соҳаларидан бири бўлиб, у юқори ўсиш салоҳиятига эга. Туризм экспорти экспортнинг бошқа турларидан ўзига хос жиҳатлари билан фарқ қиласиди.

Туризмнинг ривожланиши: биринчидан, туризм зonasida жойлашган нафакат туристик обьектнинг, балки шу ерлик аҳолининг ҳам муҳим даромад манбаи бўлиши; иккинчидан, туризмда омиллар ўйғунлашувида (N:K:L) меҳнат омилиниг устунлиги туфайли иш ўринлари яратиш билан бандликни таъминлашда муҳим роль ўйнаши; учинчидан, алоҳида дикқат қаратадиган томони атроф муҳитни сақлаш учун зарур чора-тадбирлар кўриш, ўтказиши молиявий жиҳатдан таъминлашнинг манбаи сифатида салмоқли хисса қўшиши билан ажralиб туради. Тўртинчидан, туризмнинг ривожланишининг ўзи диверсификацияни амалга оширади, чунки айнан у бошқа тармоқлар ва соҳаларнинг маҳсулотига, инфраструктурани ривожлантиришга талабни орттиради, ўзгартиради, улар билан ҳамкорлик қиласиди; бешинчидан, мамлакатдан ресурслар четга чиқиб кетмайди; олтинчидан, муҳим хусусияти, инсонларнинг маънавий, маданий жиҳатдан бойиши; миллатларнинг ўзига хос жиҳатлари, маданияти билан танишиш, ўзаро хурмат ва бошқаларга хизмат қиласиди. Еттинчидан, республикада ракамли иқтисодиёт ва инновацион технологиялардан кенг фойдаланишга, мувофиқ равишида туризм учун кадрлар тайёрлашга рағбат яратади.

БМТнинг Бош ассамблеяси ривожланишининг муҳим қисми туризм бўлган XXI асрни барқарор ривожланиш асри деб эълон қилиши ҳам бутун дунёда туризмга эътибор қаратишни кучайтириди.

Бу жиҳатдан, мамлакатимизнинг туризмни ривожлантириш салоҳияти юқори, бунга айниқса ҳалқимизнинг азалдан меҳмондўстлиги, ландшафтнинг турли-туманлиги, тарихий обидаларга бойлиги ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Шунинг учун ҳам туризмнинг ривожланишига экспортнинг алоҳида тури сифатида аҳамият берилиши уни барқарор ривожлантиришга долзарб масала сифатида институционал муҳит яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.

2019 йил 5 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-5611-сонли фармони, 2019 – 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш концепцияси¹; 2023 йил 26 апрелда “Республиканинг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш ҳамда маҳал-

1. <https://lex.uz/docs/4143188>

лий ва хорижий туристлар сонини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ти ПҚ-135-сонли қарори қабул қилинди². Мазкур қарорга мувофиқ равишда тадбирлар режаси ва йўл хариталари ишлаб чиқилди. Шунингдек, “Туризм, маданий мерос ва спорт соҳаларида давлат бошқарувини тақомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ти фармони³, «Республиканинг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш ҳамда маҳаллий ва хорижий туристлар сонини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори⁴ ва бошқа ҳуқуқий хужжатлар қабул қилинди.

2020 йил 10 июлда Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини тиклаш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ти 433-сон қарори қабул қилинди. Мазкур ҳуқуқий хужжатлар республикамида туризмни ривожлантириш учун иституционал мухитнинг фундаментал асосини яратди.

Кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида “Мамлакатимизда бу соҳа изчил ривожланмоқда. Жумладан, 2022 йилда юртимизга ташриф буюрган хорижий туристлар сони 2021 йилга нисбатан 3 баравар ошган. Соҳа экспорти 1 миллиард 600 миллион долларни ташкил этган. Ички туризм дастурлари доирасида 11 миллиондан зиёд аҳоли саёҳат қилган. Самарқандда янги туризм маркази барпо этилгани натижасида у ерга қўшимча 2 миллион сайёх келган”⁵.

Обрўли журналлардан Forbes ўз ўқувчиларирига Ўзбекистонга саёҳат қилишни маслаҳат бериб, 2024 йилда саёҳат учун энг яхши йўналишлардан бири деб таърифлайди. Саёҳат чоғидаги қулайликлар кўрсатилади. Журнал жаҳон миқёсида туризм учун энг яхши 50 йўналиш рўйхатига Ўзбекистонни ҳам киритган [24].

Жадвал маълумотлари ва қабул қилинган хужжатлар асосида республиканизнинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиб, хизматлар, жумладан туризмни ривожлантириш салоҳияти юқори эканлиги, айнан зарур иституционал мухитнинг яратилиши, борган сари тақомиллаштирилиши, мувофиқ

2. <https://lex.uz/ru/docs/6456786>

3. <https://lex.uz/uz/docs/5868604>

4. <https://lex.uz/docs/6549286>

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М.

Мирзиёевнинг 2023 йил 29 марта куни мамлакатимиз туризм салоҳиятини ошириш масалалари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилишидан нутқидан.

равиша тармоқлар, соҳалар ўртасида ресурсларнинг рационал тақсимотининг йўлга қўйилиши хизмат кўрсатиш, айниқса, туризмнинг ривожланишига олиб келди, дея хулоса чиқара оламиз. Демак, келгусида ташқи савдо мувозанатини таъминлашда туризм етакчи роль ўйнайди. Бу соҳада ишга солинмаган имкониятларни аниқлаш, жаҳон тажрибасини ўрганиш ва миллий, маданий бойликларимиздан кенг фойдаланишга йўналтиради.

Маълумки, республикамизда кичик бизнесни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда, шу билан бирга барча соҳаларда уларнинг мавқеси ортиб бормоқда. Ташқи савдодачи?

4. Кичик бизнес субъектларининг ташқи савдода тутган ўрни.

Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини ошириш тўлов баланси мувозанатини таъминлашдаги муаммолардан бири бу – кичик бизнес субъектларининг экспорт салоҳиятини оширишdir. Ҳозирда кичик бизнес субъектларида экспорт ва импорт нисбати кўйидаги (5-жадвал).

5-жадвал

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодиётдаги ва экспортдаги улуши (умумий ҳажмга нисбатан, %да)

Кўрсаткичлар	Йиллар				
	2010	2015	2020	2021	2022
Кичик бизнеснинг ЯИМ даги улуши	60,8	64,6	54,8	54,1	51,8
Иш билан бандликдаги улуши	74,3	77,9	74,5	74,5	73,9
Кичик бизнеснинг экспортдаги улуши	13,7	27,0	20,5	20,0	29,6
Кичик бизнеснинг импортдаги улуши	35,8	44,5	51,7	45,3	49,4

Манба: <https://stat.uz/uz/nashrlar-menu/risolalar>.

Жадвал маълумотлари 2010–2022 йиллар давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги ҳиссаси умумий ҳажмнинг ярмидан кўпини ташкил қилиши, шу билан бирга сўнгги йилларда пасайиб борганинги кўрсатиб турибди. Кичик бизнес иш билан бандликнинг деярли 3/4 қисмини ташкил этади, унинг экспортдаги улуши 13,7–29,6% доирасида бўлса, импортда 35,8% дан 51,7% гача ташкил этган.

Демак, экспорт билан импорт нисбатини мувозанатга келтириш учун навбатдаги муҳим вазифа-

лардан бири миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъминлаш учун кичик бизнеснинг экспорт салоҳиятини кўтариш муҳим аҳамиятга эга ва бу вазифани амалга ошириш анчагина мураккаб. Бунинг учун тадбиркорлар биринчидан маҳсулотлари сифатини оширишга ҳаракат қилишлари зарур. Иккинчидан, уларнинг маҳсулот ҳажмининг кичиклиги учун йирик, ҳатто ўрта компаниялар билан экспорт алоқаларини ўрнатиши қийин. Бунда ҳам институционал муҳит ёрдам бериши мумкин. Шунинг учун бу муаммони тадқиқотчилар мутасадди ташкилотлар билан биргаликда ҳар томонлама тадқиқ этишлари ва мувофиқ равишда таклифлар ишлаб чиқишилари мақсадга мувофиқ.

Шундай қилиб, биз истиқболда ташқи савдо мувозанатини таъминлаш ва унинг салоҳиятини оширишни қандай кўрамиз, яъни, қандай прогноз қиласиз?

Хулоса ва таклифлар.

Олиб борган тадқиқотимиз бўйича қуйидагича хулосалар чиқаришимиз мумкин:

1. Халқаро савдо бўйича илгари сурилган қарашлар ва назарияларнинг эволюцияси асосида бозор иқтисодиёти, глобаллашув шароитида мамлакатнинг ташқи иқтисодий фаолиятида давлат хўжалик юритувчи субъектларнинг норматив-хукуқий базасини яратувчи, уни бажарилишини назорат қилувчи, иқтисодий жараёнларга бевосита ва билвосита таъсир кўрсатиш орқали халқаро миқёсда, жумладан, ташқи савдода хўжалик юритувчи субъектларнинг гарант кафолатчиси бўлиши зарур. Ташқи иқтисодий фаолиятда, хусусан, ташқи савдо да давлат ўз фаолиятини миллий экспортерларнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлик позицияларини мустаҳкамлашга йўналтириши керак.

2. Олиб борилган тадқиқотимиз кўрсатадики, 2015 йилдан бошлаб экспортга қараганда импорт жадаллашиб, 2022 йилга келиб улар ўртасидағи фарқ 1,8 марта импорт фойдасига ортди. Бу миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги пасайиб бораётганини кўрсатади. Айниқса, товарлар экспортида биз анчагина заифмиз. Буни экспорт ва импорт таркиби ҳам тасдиқлайди. Экспорт товарларининг асосий қисми табиий ресурслар ва асосан 1-гурухга кирувчи асосий истеъмолдаги товарлар: озиқ-овқат (кишлок хўжалик маҳсулотлари) ва ундирувчи саноатнинг дастлабки ишлов берилган маҳсулотларидан иборат. Импортда эса асбоб-ускуналар улуши энг

юқори. Демак, республикамизни МИТ (миллий инновацион тизим)нинг ўзига хос ўзлаштирувчи моделини танлаган мамлакатлар қаторига киритишимиз мумкин.

3. Алоҳида тадқиқот олиб бориш асосида нима сабабдан озиқ-овқат экспортига нисбатан импорти юқорилигини аниқлаштириш ва ҳеч бўлмаганда мувозанатга эришиш учун чора-тадбирлар кўриш зарур. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишни кўпайтиришда ”яшил“ иқтисодиёт ҳам кўмаклашади. Чунки ҳозирда инсоният соғликини сақлашнинг муҳим омилларидан бири ГМО сиз, соф табиий озиқ-овқат истеъмол қилиш эканлигини тушуниб етди.

4. Республикамизда экспортерларни қўллаб-қувватлаш тизими яратилди, лекин унинг тўла ишлаши учун вакт, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш, кадрлар малакасининг юқори бўлишини таъминлаш зарур. Иккинчидан, МИТнинг юкори даражадаги, жумладан Шарқий Осиё моделига ўтиш учун катта тўсиқ – иш ўринлари етишмаслиги мавжуд. Ундан ташқари ҳозирги кунда янги технологиялар, инновациялар яратиш имконияти ҳам етарли даражада эмас. Мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш учун ўзига хос жихатларимизни хисобга оладиган йўл танлашимиз керак. Бу республикамизда келажакда устувор йўналиш – туризмни, кичик бизнес, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва унинг экспорт салоҳиятини амалга ошириш, энг муҳими барча йўналишларда сифат даражасини кўтаришга эътибор бериш зарур.

5. Иқтисодиётни диверсификация қилиш ва экспорт имкониятларини ошириш мураккаб, кўп қирорали муаммо, унда иқтисодий, ижтимоий, техник ва ташкилий масалалар чамбарчас боғланиб кетган, уларни ҳал этиш эса комплекс ёндашувни талаб қиласиди. Бу жихатдан давлат томонидан энг тўғри йўналиш туризмни ривожлантириш йўналишининг танланиши айнан ана шу мақсадга мувофиқ, чунки у айнан республикамизнинг ўзига хос жихатларига мос келади. Бу борада кўрилган чора-тадбирлар натижасида соҳада кескин ижобий ўзгаришлар юз берди. Уларни мустаҳкамлаш учун чора-тадбирлар, имкониятлар яратилмокда. Бизнингча, энг муҳимларидан бири энергия таъминотини яхшилашни жадаллаштириш зарур.

6. Экспорт-импорт мувозанатини таъминлашда кичик бизнес муҳим ўрин эгаллайди. Ҳозирда у республикамизда асосий иш берувчи, 2022 йилга

келиб, экспорт улуши ортган бўлсада, импортдаги улушидан анча орқада. Жаҳон тажрибасида 5 йил давомида рақобат натижасида 80% хўжалик юритувчилар бозорни тарк этади. Шунинг учун уларни

кўллаб-куватлашда индивидуал-манзилли ёндашиш керак. Бунинг учун савдо-саноат палаталари ва бошқа мутассадди ташкилотлар фаол қатнашишлари зарур.

Манба ва адабиётлар

1. Как экспортствовать на рынке стран СНГ (на примере Российской Федерации и Республики Казахстан). Практическое пособие. Торгово-промышленная палата Республики Узбекистан. “Бизнес Форум Узбекистана” https://chamber.uz/uploads/posts/files/kak_eksp.pdf
2. Как экспортствовать на рынки стран Европейского Союза на примере текстильной продукции: практическое пособие / Г. Каҳхарова, С. Муратов. – Ташкент: Baktria press, 2016. – 64 с. <https://new.standart.uz/upload/file/news.pdf>
3. Марказий Осиё минтақавий иқтисодиёти бўйича Ҳамкорлик ташкилоти аъзолари 17-Вазирликлар миқёсидаги конференция материали. 15-ноябрь 2018-йил, Туркманистон, Ашхабод. <https://www.carecprogram.org/uploads/2018-17th-MC-Agenda-ru.pdf>
4. Дружер П.Ф. Рынок: как выйти в лидеры. Практика и принципы: Пер. с англ. – М.: 1992. 352-с. PDF. <https://altairbook.com/books/4741417-ryonok-kak-vyyiti-v-lidery-praktika-i-principy.html>
5. Lederman, Daniel; Maloney, William F. 2012. Does What You Export Matter? In Search of Empirical Guidance for Industrial Policies. Latin America Development Forum. © Washington, DC: World Bank. URI <http://hdl.handle.net/10986/9371>
6. Барковский А.Н., Алябян С.С. Прогноз внешней торговли РФ на период до 2025 года // Внешнеэкономический бюллетень. 2003. №12, – С. 35-40;
7. Рогов В.В. Экспортный потенциал России: Состояние, ориентиры и условия развития // Внешнеэкономический бюллетень. 2004. №5, – С. 58-65.
8. Смирнова Е.В. Национальная экспортная стратегия США // Внешнеэкономический бюллетень. 2002. №12, – С. 24-28.
9. Литвинов А.И. Современные тенденции протекционизма в международной торговле // Российский внешнеэкономический вестник. 2023. №3, С. 117-125. DOI: 10.24412/2072-8042-2023-3-117-125
10. Андросова И.В., Шаламов Л.С. Оценка результатов внешне-экономической деятельности России и зарубежных стран в условиях глобализации //Теория и практика сервиса: экономика, социальная сфера, технологии. – С. 14-17. <https://cyberleninka.ru/article/n/otsenka-rezulatov-vneshneekonomicheskoy-deyatelnosti-rossii-i-zarubezhnyh-stran-v-usloviyah-global>
11. Субботина Т.А. Роль внешнеторговой деятельности в обеспечении устойчивости экономической системы в условиях глобализации мировой экономики// Вестник института экономики и управления НОВГУ 2018 , №1 (26). <https://cyberleninka.ru/article/n/rol-vneshnetorgovoy-deyatelnosti-v-obespechenii-ustoychivosti-ekonomiceskoy-sistemy-v-usloviyah-glo>
12. Булеев И.П., Булеев Е.И. Конкурентоспособность товара, экспортный потенциал предприятий как основные факторы развития экономики. / Стратегия и механизмы регулирования промышленного развития. 2013. – С.34-50. <https://cyberleninka.ru/article/n/konkurentosposobnost-tovara-eksportnyy-potentsial-predpriyatiy-kak-osnovnye-faktory-razvitiya-ekonomiki>
13. Карпенко Е. М., Казаков. О.А. Поиск перспективных экспортных направлений Республики Беларусь в контексте изучения экспортного потенциала страны.. <https://elib.bsu.by/bitstream/123456789/106978/1/pdf>
14. Еловая Е.М. Туристический продукт как один из главных факторов повышения экспортного потенциала Республики Беларусь <https://elib.bsu.by/handle/123456789/271533>
15. Зиядуллаев У.С. Международные внешнеэкономические связи Республики Узбекистан и перспективы их развития. / “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” Ilmiy elektron jurnali. № 1, yanvar-fevral, 2020 yil. 245–254- betlar.
16. Қодиржонов А.М. Ўзбекистон Республикаси экспортининг маркибий ҳолати таҳлили ва тақомиллаштириш имкониятлари //“Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 2, mart-aprel, 2021 yil 403–408- betlar.
17. Аъзам С.Э. Применение инструментов гравитационного моделирования для оценки потенциала географической диверсификации внешней торговли Узбекистана// “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали – 2018. № 2.

-
18. Кадыров А., Фазлиддинова З. Повышение конкурентоспособности производства плодоовоцной продукции в Узбекистане // *Iqtisodiyot va ta'lim* / 2022-yil 4-som. 242–249- betlar: https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss4/a33
 19. Шамсиева Ф.М. Мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини эконометрик моделлаштириши//“Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” (*Economics and Innovative Technologies*) ilmiy elektron jurnali 1/2022, yanvar-fevral (№ 00057) 267–274-betlar.
 20. Тургунов Х.Л. Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиши имкониятлари ва муаммолари //“Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 6, noyabr-dekabr, 2021 yil, 195–207-betlar.
 21. Сироҗиддинов К.И. Мева-сабзавот экспортини ривожлантириши масалалари. *Iqtisodiyot: tahlillar va prognozlar* № 2 (13) Апрель-июнь, 2021 йил 41–6 бетлар.
 22. Дехканова Н.С. Республикада озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт импорт қилишининг ҳозирги ҳолати ва ис-тиқболлари //“Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 3, may-iyun, 2021 yil 190–199- betlar.
 23. Тожибоева Д. Миллий иқтисодиёт раҳобатбардошиги ва унинг назарий-концептуал асослари. // Иқтисод ва молия. 2023, 8-сон. 5-бет. DOI: 10.34920/eIf/yOL_2023_Issue_8_1
 24. <https://news.mail.ru/economics/59236406/>

УЎК: 338.48.(575.1)

Shakhnoza ALIMOVA,

*Madaniy meros obyektlari muammolarini o‘rganish va turizmni rivojlantirish
ilmiy-tadqiqot instituti doktoranti,
Email: shakinoza.27@gmail.com*

O‘ZBEKISTONDA WELLNESS TURIZMINI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI (SITORAI MOHI XOSSA MISOLIDA)

Annotatsiya: ushbu ilmiy maqolada sog‘lomlash-turizmining Buxoro hududida rivojlanish darajasini o‘rganish maqsadida, eng ko‘p tashrif buyurilgan va wellness xizmatlari bo‘yicha boshqa obyektlardan ustunligi jihatidan Sitorai Mohi Xossa sanatoriyasi saralanib olindi. Tadqiqot natijalariga ko‘ra, boshqa wellness xizmatlari mavjud maskanlarida sog‘lomlashirish turizmini rivojlantirish tavsiya etildi.

Kalit so‘zlar: wellness turizm, Ayurveda, Aromaterapiya, meditatsiya, Psammoterapiya yoki qum terapiyasi, Gidroterapiya yoki suv terapiyasi, Sitorai Mohi Xossa sanatoriyasi.

ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ WELLNESS ТУРИЗМА В УЗБЕКИСТАНЕ (НА ПРИМЕРЕ СИТОРАИ МОХИ ХОССА)

Шахноза АЛИМОВА,

*Докторант Научно-исследовательского
института изучения проблем объектов
культурного наследия и развития туризма*

Аннотация: в данной научной статье с целью изучения уровня развития велнесс туризма в Бухарской области был выбран санаторий Ситораи Мокхи Хосса по наиболее посещаемости и превосходству над другими объектами по уровню оздоровительных услуг. По результатам исследования рекомендовано развивать велнесс туризма в местах, где доступны другие оздоровительные услуги.

Ключевые слова: велнесс туризм, Аюрведа, Ароматерапия, медитация, Псаммолерапия или песочная терапия, Водолечение или водное лечение, Санаторий Ситораи Мокхи Хосса.

PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF WELLNESS TOURISM IN UZBEKISTAN (BASED ON THE EXAMPLE OF SITORAI MOKHI KHOSSA)

Shakhnoza ALIMOVA,
*Doctoral student of the Research Institute for the
Study of Problems of Cultural Heritage Sites and
Tourism Development*

Abstract: in this scientific article, in order to study the level of development of wellness tourism in the Bukhara region, the Sitorai Mohi Khosa sanatorium was chosen for the most attendance and superiority over other objects in terms of the level of wellness services. Based on the results of the study, it is recommended to develop wellness tourism in places where other health services are available.

Keywords: wellness tourism, Ayurveda, Aromatherapy, meditation, Psammotherapy or sand therapy, Hydrotherapy or water treatment, Sitorai Mohi Khosa Sanatorium.

Kirish. Turizm mamlakat iqtisodiy o‘sishi va aholi farovonligini ta’minlashda katta salohiyatga ega sohalardan biri hisoblanadi va jahon yalpi ichki mahsulotining 10 foizini tashkil qilish bilan birga 320 million kishining bandligini ta’minlaydi [1]. Turizm so‘nggi yillarda jahon iqtisodiyotining eng tez rivojlanayotgan tarmoqlaridan biriga aylandi [2]. Shu bilan birga turizm kambag‘allikni qisqartirish [3] inson salomatligiga sezilarli ta’sir ko‘rsatishi, uzoq umr ko‘rish [4] hamda ijobjiy his-tuyg‘ular hosil qilish orqali yurak-qon tomir muammolari, bosh og‘rig‘i,

yallig‘lanish va zaiflik ehtimolini kamaytirish [5] hamda sifatli uyqu, sog‘lom ovqatlanish va jismoniy mashqlar orqali salomatlik natijalariga ham olib kelishi sababli [6] farovonlik va turmush sifatini yaxshilanishida ham muhim ahamiyat kasb etadi.

O‘zbekiston 2016-yilda iqtisodiyotni liberal-lashtirish bilan bir qatorda turizm faoliyatini samarali tartibga solishni boshladi. Turizm xizmatlari eksporti sakkiz yil ichida to‘rt barobardan ortiq o‘sdi va 2018-yilda 1,0 milliard dollardan oshdi [7].

Rivojlanayotgan davlatlarda turizm iqtisodiy o‘sishning belgilovchi omili bo‘lishi uchun sohaning rivojlanishi uning tuzilmasini o‘zgarishi bilan hamohang olib borilishi zarurligi ta’kidlanadi [8]. Shu nuqtai nazardan O‘zbekistonda turizm sohasining jami ko‘rsatilgan bozor xizmatlari hajmining 3,9% ini tashkil qilishi, uning o‘sishiga qo‘shgan hissasi esa 0,5% [9] ekanligi mavjud salohiyatdan to‘liq foydalanilmayotganligini ko‘rsatadi.

Maqolada turizmning turlaridan biri – wellness turizmi O‘zbekistonda salohiyatidan to‘liq foydalanilmayatgan yo‘nalish sifatida tadqiq etish maqsadi qilib olingan. Tadqiqotda turizmning aynan shu turining tanlanishi, O‘zbekistonning Sapien Labs notijorat tashkiloti Global Mind loyihasining “2023-yilda dunyoning ruhiy holati” hisobotida O‘zbekistonning 48 ball bilan eng quyi o‘rin olishi bilan ham izohlanadi. Hisobotda 71 mamlakatdan 419175 kishi anonim onlayn so‘rovga javob berishi orqali insonning ruhiy salomatlik koeffitsienti (MHQ) ni aniqlash bo‘yicha olib borilgan ilmiy tadqiqotning natijalari chop etilgan. Tadqiqotda respondentlarning ruhiy salomatligini 47 jihatni oltita asosiy toifa (kayfiyat va dunyoqarash, ijtimoiy o‘zini tutish, harakat va motivatsiya, ong va tana aloqasi, idrok, moslashuvchanlik va chidamlilik) orqali baholangan va ruhiy salomatlik koeffitsienti aniqlangan.

Shu asnoda turizmning turlaridan biri bo‘lmish wellness turizm, ya’ni sog‘lomlashtirish turizmini ham O‘zbekistonda rivojlantirish bugungi kun yurtimiz rivoji uchun juda muhim hisoblanadi. Mamlakatdagi vaziyatlardan kelib chiqgan holda, ushbu turizm turini bиринчи navbatda mahalliy aholi, keyinchalik xorijiy sayyoхlar orasida ommalashtirish ijobjiy natijalarga olib keladi.

Asosiy qism. Voigt va Pforr (2014) ma’lumotlariga ko‘ra, sog‘lomlashtirish turizmi boshqa turistik yo‘nalishlardan quyidagi asosiy resurslari va malakalari bilan farq qiladi: [10]

- Tabiiy resurslar (masalan, termal va/yoki mineral suvlar, landshaftlar, o‘simliklar va boshqalardan aqliy va jismoniy farovonlikni oshirishda foydalanish);

- Madaniy, tarixiy va ma’naviy manbalar (masalan, Rim Termasi kabi farovonlik merosi, yoga kabi ruhiy amaliyotlar);

- Qo‘shimcha va muqobil tibbiyot takliflari (masalan, meditatsiya, balneologiya, gomeopatiya va boshqalar);

- Jamiyatning fikrlash tarzi va salomatlik bilan bog‘liq turmush tarzi (masalan, salomatlik bilan bog‘liq turmush tarziga ega mahalliy hamjamiyat);

- Inson resurslari va malakalari (sifatli sog‘lomlashtirish xizmatlarini taqdim etish uchun professional xodimlar);

- Sog‘lomlashtirish uchun maxsus ustki tuzilmalar (masalan, kurort/sog‘lomlashtirish mehmonxonalar, ruhiy dam olish maskanlari, termal buloqlar va boshqalar);

- Salomatlik bilan bog‘liq tadbirlar (masalan, jamoat salomatligi tadbiri);

- Salomatlikni boshqa tadbirlar/takliflar bilan bog‘lash (masalan, mahalliy pazandachilik bilan birgalikda sog‘lomlashtirish xizmatlari).

Jahon sog‘lomlashtirish instituti talqiniga ko‘ra wellness sayohatchilar o‘z sayohatlarini wellness mehmonxonalarida, sanatoriylarda, Wellness markazlarida, hammomlarda, wellness kruizlarida, SPA salonlarida, yoga mashg‘ulotlarida, fitness klublari, tabiiy parklar, tabiiy qo‘riqxonlarda tashkil etishni xush ko‘rishadi bunda asosan amerikalik olim Alana Dilette o‘z tadqiqotida aytganidek [11] sayyoхlarning sog‘lomlashtirish sayohati davomida 4 xil muammoni bartaraf etish uchun tana, ruhiyat, ong va atrof-muhitiga ta’sir etuvchi va ta’sir o‘tkazuvchi omillarga qarab sayohatni amalga oshirishadi.

Rossiyalik olim T.A.Burmenko sog‘lomlashtirish turizmi klassifikatsiyasini tavsiflab bergan, unga ko‘ra, wellness turizm, tibbiy turizm, spa turizm hamda rekratsion turizm mutlaqo biri biridan iqtisodiy, ijtimoiy, jismoniy va psixologik nuqtai nazaridan farq qilishi tahlil qilingan [12].

Uning fikriga ko‘ra, ushbu sog‘liqqa bog‘liq turizm turlari joylashish maskanlari, sayohat maqsadi, sayohatning davomiyligi, sayyoх yoki mijozning motivlari bilan ham bir-biridan farqlanishi inobatga olinib, jadval ko‘rinishida taqdim etilgan.

Boshqa adabiyotlarda esa sog‘lomlashtirish turizmi keng qamrovli turizm turi bo‘lib, o‘z ichiga bir qancha

turizm turlarini qamrab oladi, wellness va tibbiy turizm uning tarkibidagi turizm turidir. Bu borada angliyalik olimlar Siripan Deesilatham va Sameer Hosany o‘z tadqiqotlarda tibbiy turizm turistning salomatligini qondiradi, wellness turizmi esa bu insonning salomatligi va farovonligini yaxshilash ehtiyojni qondiradi. Ta’midot tomoniga ko‘ra, wellness turizmi o‘ziga xosligi bilan ajralib turadi, individual salomatlik va farovonlikni boshqa sog‘lomlashirish turizm turlariga nisbatan samaraliroq yaxshilaydi va u butun dunyoda turli shakkarda taklif etiladi [13].

Yuqoridagi tadqiqotlardan kelib chiqib, Wellness turizm bu – sayohat davomiyligi bo‘yicha eng qisqa, kam xarajat, salomatlikni qo‘llab-quvvatlash va ruhiy tiklanish, stressdan xalos bo‘lish, aql va tananining uyg‘un yangi holatiga erishish, insonning salomatligi va farovonligini yaxshilash kabi ehtiyojlarini qondiradigan turizm turidir [14].

Wellness turizmda ayurveda amaliyotlari, aromaterapiya, psixologik tiklanish, termal va mineral suvlardan yetti kun mobaynida jismoniy va ruhiy holatni yaxshilash maqsadida sayohat qilinishi tushuniladi va boshqa turlardan shu jihatlari bilan farqlanishi aytilgan. Wellness turizmda yuqori ko‘rsatiladigan xizmatlarning sifatida quyidagi atamalar ni ko‘p qo‘llashadi:

Aromaterapiya – xushbo‘ylik terapiyasi bo‘lib, insonning ongini, tanasini va ruhini davolashning tabiiy usulidir [15].

Meditatsiya – bu ongni tashqi fikrlardan tortib olish va bitta ob‘ektga jamlash jarayonidir [16]. U immun tizimini yaxshilashda, miya faoliyatini yaxshilashda [17] hamda ruhiyatga ijobiy ta’sirga ega bo‘lgan sog‘lomlashirish xizmati turidir.


Ayurvedalar – tana, ong, ruh va atrof-muhit o‘rtasidagi muvozanatni tiklash uchun muayyan turmush tarzini o‘zgartirish maqsadida tabiiy terapiyalarni qo‘llashdir. [18] Ko‘pincha ayurveda xizmatlariga tabiat in‘omlari bilan davolash nazarda tutiladi.

Psammoterapiya yoki qum terapiyasi – issiq qumlar ko‘plab kasalliklarni davolashda qo‘llaniladi, masalan, mushak-skelet tizimi, skolyoz, artrit, osteoartrit va revmatoid. Bundan tashqari, qum terapiyasi asab kasalliklarda samarali ta’sir ko‘rsatadi [19].

Gidroterapiya yoki suv terapiyasi – suv bilan davolash metodi [20] bo‘lib, mushaklar va suyaklarda og‘riqni kamaytirib, moslashuvchanligini oshiradi natijada mushak spazmlar pasayishi, insonning kuchi va qobiliyatini oshiradi [21].

O‘zbekistondagi wellness turizmning rivojlantirish uchun zarur bo‘lgan infratuzilmalar holatiga ko‘ra, O‘zbekistondagi sanatoriylar 2023-yil holatiga nisbatan, 99 tani tashkil etgan [22], 2023-yil sentabr holatiga ko‘ra esa wellness mehmonxonalar 41 tani [23] tashkil etadi.

2016-2019-yilda sanatoriyalarga tashrif buyuruvchilar safar maqsadlariga ko‘ra uzoq davom etgan kasallikdan davolanish va yengil kechuvchi kasallikda profilaktika ishlarini amalga oshirish (93%), xizmat yuzasidan tashrif buyurish (0,5%), inson salomatligini yaxshilash maqsadida hordiq chiqarish va dam olish (4%) hamda turli sabablarga ko‘ra (2,5%) O‘zbekiston sanatoriylariga tashrif buyurishgan. 1-rasmda 4 yillik ma’lumotlar asosida taqqoslama diagrammani ko‘rshimiz mumkin.



1-rasm. 2016-2019 yilda sanatoriyalarga tashrif buyuruvchilarning safar maqsadlari

Manba: O‘zbekiston Respublikasi davlat statistika qo‘mitasining “O‘zbekistonda turizm” statistik jamlanmasi, Toshkent 2020 ma’lumotlari asosida muallif tahlili.

Undan tashqari, xususiy klinikalar hamda wellness markazlari ham sog‘lomlashirish maqsadida mijozlarni qabul qilishadi. Sog‘lomlashirish xizmatlari yurtimizda tabiiy resurslardan tashkil topgan wellness hududlar (issiq buloq, kuchuk suv havzalari, issiq qum maskanlari) mavjud bo‘lib, tadqiqotimizning asosiy maqsadi ushbu hududlar imkoniyatidan foydalanib, sog‘lomlashirish turizmini rivojlantirishdan iborat.

Buxoro hududida wellness turizmni rivojlantirish uchun imkoniyatlar nihoyatda keng bo‘lib, statistik ma’lumotlarini to‘plash qulayligi, sayyohlar soni yuqoriligi hamda wellness xizmatlari turlaridan keng qo‘llanaliyotganligi sababli Sitorai Mohi Xossa sanatoriysi tadqiqot obyekti sifatida tanlandi. Ushbu sanatoriya iqlimi va balneologik kurortdir.


Davolash xususiyatiga ega bo‘lgan iqlimi va sulfat-xlorid natriyli ma’danli suvi asosiy omil hisoblanadi va ular buyrak, asab tizimi, harakat va hazm a’zolari kasalliklarida qo‘llaniladi.

Sanatoriyada asosan mijozlar davolanish maqsadida tashrif buyurgan bo‘lsada, har bir mijozga konservativ davolashdan tashqari sog‘lomlashtirish xizmatlari ham malakali shifokorlar tomonidan buyuriladi

Sanatoriyada wellness xizmatlari ikki turga bo‘linib, (bepul va to‘lovli) ular quyidagilardan tashkil topgan:

- *Tuzli g‘or;* • *Aromasauna; (1 soat 25 000 so‘m)*
- *Elektrouyqu;* • *Sauna; (1 soat 25 000 so‘m)*
- *Nuga-best;* • *Massaj; (10 ming 25 000 so‘m)*
- *Shifobaxsh balchiq;* • *Bayneologik massaj; (10 ming 25 000 so‘m)*
- *Vibromassaj;* • *Basseyn; (1 soat 35 000 so‘m)*
- *Marjonli mineralli vanna;* • *(15 ming 30000 so‘m)*

Sanatoriyada tashrif buyuruvchilarning ijtimoiy qatlarni o‘rganish maqsadida korxonaning uch yillik statistikasi o‘rganib chiqildi, unga ko‘ra erkaklar soni ayollarga nisbatan 3 barobar yuqoriligi kuzatildi. 14 yoshgacha bo‘lgan bolalar soni esa 1%ni tashkil etadi. Tashrif buyuruvchilarning ijtimoiy toifasiga ko‘ra turli mutaxassislikka ega ziyorilar 36%ni tashkil etadi.



2-rasm. Tashrif buyuruvchilarning ijtimoiy qatlami

Manba: Sitorai Mohi Xossa sanatoriyasi ma’lumotlar bazasi asosida muallif ishlanmasi.

2023-yil davomida sanatoriyada dam oluvchilarning 1% ulushi urush qatnashchilaridan tashkil topgan bo‘lib, ular asosan davolanish maqsadida uzoq muddatga tashrif buyurishgan.

Mijozlarning sanatoriyada dam olish va davolanish muddatini o‘rtacha 5-6 kunlik deb hisoblandi. Sababi tashrif buyuruvchilarning deyarli 60%i olti kunlik yo‘llanma asosida qayd etilgan. Eng uzoq muddatli tashriflar 14-21 kungacha bo‘lib, ular 30%ni tashkil etadi.

1-jadval

“Sitorai Mohi Xossa” sanatoriyasining wellness xizmati bo‘yicha asosiy ko‘rsatkichlari

Yil	Wellness xizmati bo‘yicha jami tushum, ming so‘m	Wellness xizmatidan foydalanuvchilar soni, ming kishi	Ko‘rsatilayotgan wellness xizmatlari soni, dona	Wellness xizmatlarini tashkil etish bilan bog‘liq xarajatlar, ming so‘m	Wellness xizmatlarini ko‘rsatishda band bo‘lgan xodimlar soni, kishi
2009	9 135	2023	5	6 000	4
2010	10 500	2105	5	7 000	4
2011	12 386	2252	5	8 000	4
2012	28 890	4816	5	9 000	4
2013	23 900	2392	5	10 000	5
2014	32 025	2525	6	35 000	6
2015	32 750	2633	6	9 000	6
2016	81 588	6976	6	10 000	6
2017	100 470	7632	7	40 000	7
2018	154 300	8690	7	11 000	7
2019	125 520	8302	8	14 000	8
2020	37 214	3068	8	9 000	8
2021	187 430	6457	9	100 000	13
2022	168 000	8973	10	20 000	13

Manba: Sitorai Mohi Xossa sanatoriyasi ma’lumotlar bazasi asosida muallif ishlanmasi.

1-jadvalda sanatoriyadan 2009-2022-yilda wellness xizmatlari bo‘yicha asosiy ko‘rsatkichlar o‘rganilib chiqildi. 2020-yilda sanatoriyada dam oluvchilarning

soni keskin kamayib borishi (-5 234 kishi kamaygan) Covid-19 virusining keng tarqalishi sabablidir. Ammo 2021-yilda sanatoriyada tashrif buyuruvchilar soni

+3 389 taga oshganini ko‘rishimiz mumkin. Inson salomatligi uchun sog‘lomlashtirish maskanlarining o‘rni ahamiyatli ekanligi statistik ma’lumotlarda yaqqol namoyondir.

Tahlil natijalariga ko‘ra sog‘lomlashtirish xizmatlari ko‘paygani sari sanatoriyaga qo‘sishma tushum hamda yangi ish o‘rni paydo bo‘lishi bilan birgalikda sayyoohlar sonining oshishishiga ham o‘z ta’sirini ko‘rsatmoqda. Buxoro hududida tabiiy resurslardan tashkil topgan wellness hududlarni xususan, Olot va Shofirkon tumanlaridagi issiq qum, Qorako‘l hududidagi sho‘r suv havzalari, Romitan tumanidagi Xo‘ja Ubbon ziyoratgohidagi quyosh terapiysi, To‘dako‘l havzasidagi bir qancha sog‘lomlashtirish maskanlarini rivojlantirilsa, sayyoohlar oqimi ko‘payadi, aholi ish bilan ta’minlanadi hamda Buxoro viloyati turizmi kengayadi.

Wellness turizmni birinchi navbatda ichki turizm mijozlariga nisbatan takomillashtirish hamda keyingi bosqichda esa xalqaro mijozlarga qo‘llash maqsadga muvofiqdir. Yuqoridagi ma’lumotlarga asoslanib, quyidagi takliflarni keltirishimiz mumkin:

- *wellness xizmatlari mavjud mehmonxonalar va sanatoriyalar uchun:*

1. Wellness maskanlarini zamonaviy va kerakli jihozlar bilan, jahon standartlariga xos qilib jihozlash;

2. Marketing faoliyatini samarali olib borish.

- *tabiiy resurslardan tashkil topgan wellness hududlar uchun:*

3. Wellness destinatsiyalariga borish transport infratuzilmasini takomillashtirish;

4. Kerakli kadr-mutaxassis xodimlar bilan ta’minalash.

Manba va adabiyotlar

1. <https://www.weforum.org/agenda/2024/01/travel-tourism-industry-net-zero/#:~:text=The%20travel%20and%20tourism%20industry,are%20facing%20their%20climate%20responsibilities>
2. Wijesekara C, Tittagalla C, Jayathilaka A, Ilukpotha U, Jayathilaka R, Jayasinghe P. *Tourism and economic growth: A global study on Granger causality and wavelet coherence*. PLoS One. 2022 Sep 12;17(9): e0274386. doi: 10.1371/journal.pone.0274386. PMID: 36094926; PMCID: PMC9467361.
3. Zhao, W., & Ritchie, J. R. (2007). *Tourism and Poverty Alleviation: An Integrative Research Framework*. Current Issues in Tourism, 10, 119-143. <https://doi.org/10.2167/cit296.0>
4. Jordan EJ, Spencer DM, Prayag G. *Tourism impacts, emotions and stress*. Ann Tourism Res. (2019) 75:213–26. doi: 10.1016/j.annals.2019.01.011.
5. Stokes R. *Tourism strategy making: insights to the events tourism domain*. Tour Manag. (2008) 29:252–62. doi: 10.1016/j.tourman.2007.03.014.
6. Pyke J, Pyke S, Watuwa R. *Social tourism and well-being in a first nation community*. Ann Tour Res. (2019) 77:38–48. doi: 10.1016/j.annals.2019.04.013.
7. Salahodjaev, Rauf & Safarova, Nilufar & Usmanova, Nigina. (2020). *Determinants of Tourism Arrivals to Uzbekistan: Evidence from Dyadic Data*. Tourism Review International. 24.
8. Akan, Yusuf & Işık - Σ, Cem & Arslan, Ibrahim. (2009). *The Impact of Tourism on Economic Growth: The Case of Turkey*. Journal of Tourism. 9.
9. Stat.uz/ing/analitika-12-2023-2b.pdf
10. Cornelia Voigt, Christof Pförr, *Wellness Tourism*, 2013, London, p 34-36.
11. Alana Kathryn Dillette, *Wellness Tourism: An Application of Positive Psychological Theory to Overall Quality of Life*, Alabama-2016, p 97.
12. Т.А.Бурменко, Байкальский государственный университет, г. Иркутск, Российская Федерация, к вопросу о содержании понятия «оздоровительный туризм» региональная и отраслевая экономика, 2016.26(1).42-49.
13. Siripan Deesilatham and Sameer Hosany, School of Management Royal Holloway, University of London, *Wellness Tourism and Quality of life: Motivations, Constraints, Lifestyles and Satisfaction, Travel and Tourism Research Association: Advancing Tourism Research Globally* (12), 2016.
14. Alimova Sh.O, Nazarova R.R “O‘zbekiston wellness turizmni rivojlantirishning shart – sharoitlari va holati”, Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar jurnali maxsus son 2023 yil, 35-41 bb.
15. Babar Ali, Naser Ali Al-Wabel, Saiba Shams, Aftab Ahamad, Shah Alam Khan, Firoz Anwar, *Essential oils used in aromatherapy: A systemic review*, Asian Pacific Journal of Tropical Biomedicine, 2015, p 601-611.

-
16. https://www.pathofbliss.com/Meditation?gclid=CjwKCAiA5L2tBhBTEiwAdSxJX3c3GpAi6FPHwhsQH8map-SLy5W_JXCDJWAy4yBrtn590mfOWsIMEBoCjXsQAvD_BwE
17. Aneequ Jamil, Sai Dheeraj Gutlapalli, Marya Ali Mrinal J. P. Oble, Shamsun Nahar Sonia, Sherie George, Srushti R Shahi, Zahra Ali, Abdelrahman Abaza, and Lubna Mohammed, *Meditation and Its Mental and Physical Health Benefits*, National library of medicine, 2023 Jun; 15(6), USA, doi: 10.7759/cureus.40650.
18. Mahesh Madhav Mathpati, Sandra Albert, John D.H. Porter, *Ayurveda and medicalisation today: The loss of important knowledge and practice in health?* Journal of Ayurveda and integrative medicine, 2020, p 89-94.
19. Zahra Nadim, Amir Gandomkar, *Planning for Wellness Tourism Center in Isfahan Province, Iran*, open Journal of ecology, 2016/6, pp 645-657.
20. Ranajit sen chowdhury, md. Dahirul islam, khaleda akter, mohammad abdus sattar sarkar, tanima roy, sm tajdit rahman, *therapeutic aspects of hydrotherapy: a review*, Journal of Medicine 32(2):138-141, June 2021 Bangladesh, DOI:10.3329/bjm.v32i2.53791.
21. Zahra Nadim, Amir Gandomkar, *Planning for Wellness Tourism Center in Isfahan Province, Iran*, open Journal of ecology, 2016/6, pp 645-657.
22. <https://www.goldenpages.uz/uz/rubrics/?Id=1665&Page=5>
23. booking.com saytidan muallif tahlili murojaat qilingan sana 02.09.23 (<https://www.booking.com/index.ru.html?label=gen>).
24. 2023 yil 29 iyul PQ-238 sonli “Turizm yo‘nalishidagi islohotlarni yanada jadallashtirish va sohada davlat boshqaruvi tizimini samarali tashkil qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida” qarori (<https://lex.uz/docs/-6549286>).



IQTISODIYOT:
TAHLILLAR VA PROGNOZLAR

100000, Toshkent sh., Xadra massivi 33a.

Tel: (+998 71) 244-05-41. E-mail: jurnal@imrs.uz